Шарқ юлдузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

3

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi



Норбой Худойберганов

ҲАММАСИ ТАҲЛИЛДА КЎРИНАДИ

Сўз билан иш бирлигини таъминламасдан ҳеч қандай тараққиётга эришиб бўлмайди, деган гап ҳозирги пайтда тез-тез айтиляпти, буни қонуний ҳол деб ҳисобламоқ даркор. Ахир, сўзда ҳамма нарса юз фойиз бажарилса-ю, амалда ҳеч нарса қилинмаса, қайси бир соҳанинг ривожланиши мумкин?! Бундан адабий танқид ҳам мустасно эмас. Аммо бу соҳада сўз билан ишнинг бирлиги деганда нимани тушунамиз? Бадиий асарга, ёзувчи, ижодий жараёнга берилган баҳо — бу мунақкид сўзи, ўша баҳонинг исботи ҳам мунаққиднинг иши ва бу иш фактлар, ҳодисалар таҳлили орқали амалга оширилади. Демак, танқидчиликдаги сўз билан ишнинг бирлиги таҳлилда, илмий-эстетик таҳлилда намоён бўлади. Аммо мунаққид ёзувчи маҳсулотининг қадр-қимматини белгилаб, униси сара, буниси пуч дейиш билан чекланмаслиги керак. Аниқроғи, муайян асарни баҳолашдан мунақкид фаолияти бошланади. Бироқ бирор асарни зўр деб мақташ ёки заиф деб танқид қилиш унчалик қийин эмас. Истеъдодли мунаққид ўзининг ижобий ёхуд салбий фикрини баркамол, етук, ҳаққоний таҳлилдан, оригинал илмий-эстетик таҳлилдан келтириб чиқаради ва мана шу илмий-эстетик таҳлил қанчалик зўр маҳорат билан амалга оширилиб, конкрет адабий-бадиий ҳодиса моҳиятини қанчалик чуқур, ишонарли ёритса, танқидчининг бебаҳо, ажойиб қудратга эга эканлигини кўрсатади.

Хуллас, танқидчининг нимага қодир эканлигини намоён қилувчи восита илмий-эстетик таҳлилдирки, бу ҳеч кимда эътироз туғдирмайдиган оддий, жўн ҳақиқатдир. Шундай экан, нима учун бу оддий жўн ҳақиқатни яна алоҳида таъкидлаб кўрсатаётирмиз? Гап шундаки, кўп сонли ўқувчилар, ёзувчилар, мунаққидларнинг ўзлари бадиий ижодда нимани «оқ», нимани «қора» десак, барчасини конкрет илмий-эстетик таҳлил орқали исботлайлик, деб бонг урадилар, аммо бу тўғри, ҳаққоний чақириқ аксари ҳолларда сўзда қолиб кетаяпти, изчил равишда амалга оширилмаётир. Бундай номувофиқликка, айниқса, ҳаётнинг барча соҳаларида кескин бурилиш ясаб, юксак тараққиётни таъминлаш вазифасини кўндаланг қилиб қўйган партиямиз XXVII съездидан кейин тоқат қилиш асло мумкин эмас. Яна шунинг учун чидаб бўлмайдики, партиямиз қарорлари, кўрсатмаларига кўра бутун ишимизни, ижодимизни тубдан қайта қурайлик, социал адолатни, ҳақиқатни қарор топтирайлик, деган шиорлар кўп ерларда қўлланилади-ю, лекин бу тўғри шиорлар кўпинча амалга оширилмаётир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III (октябрь 1986 йил) Пленумида қуйидаги фикрларнинг алоҳида таъкидлангани бежиз эмас: «Адабий-бадиий танқиднинг йўлга қўйилиши ҳам тубдан яхшилашни талаб қилади. Уни ниҳоят муаллифлар шаънига хизмат қилиш соҳасидан олиб чиқиш керак. Сийқа иборалардан фойдаланишни, ноҳақ мақтовларни, баъзи муаллифларга хушомадгўйлик қилиб, бошқаларни эса баъзан асоссиз, далил исботсиз танқид қилишни тугатиш лозим».

Диққат қилинг, адабий-бадиий танқидчиликни тубдан яхшилаш керак, бунинг учун, биринчидан, ижодкорларнинг шаъни, обрўсига қараб фикр юритишдан воз кечиш, иккинчидан, ноҳақ мақтовларга, далил-исботсиз танқидга чек қўйиш талаб қилинади. Ҳа, худди шундай бўлиши зарур, аммо бу талабни қойиллатиб ўринлатиш учун етарли омиллар, кучлар, воситалар, муайян шарт-шароит борми?

Баралла овоз билан айтиш керакки, танқидчиликни тубдан яхшилаш учун мустаҳкам замин мавжуд, қўллаб-қувватланадиган ижобий хусусият, қўлга киритилган муваффақиятлар мавжуд. Ахир, яхши нарсаларга суянмасдан ёмонларини йўқотиш мумкин эмас-ку! Зотан ҳар қандай танқид нималарнидир тасдиқлаш, улуғлаш ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Ҳатто асоссиз, исботсиз, ғаразли, бирёқлама танқиднинг ўзи кимларнидир, нималарнидир кўкларга кўтариб, кимларнидир, нималарнидир ерга уриш, деган маънони англатади. Ҳатто танқидбозлик ҳам пиро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вард натижада мақтовбозликдан келиб чиқади. Бинобарин, ҳамма гап инкор этилаётган нималарнинг, кимларнинг моҳияти-мазмунидадирки, масаланинг шу жиҳатини доимо диққат марказида тутишимиз даркор. Шунинг учун биринчи навбатда адабий танқидчиликдаги ижобий мазмун касб этиб, илмий-эстетик тафаккур тараққиётига, сўз санъати равнақига муайян таъсир ўтказаётган муҳим фазилатларни кўрсатиш лозим. Ахир, шундай фазилатлар бўлмаса, кимларнинг, нималарнинг ўсиб-униши, ўзгариши тўғрисида қандай мулоҳаза юритамиз?! Хайриятки, партиямиз XXVII съезди қарорларидан илҳомланиб ишлаётган истеъдодли мунаққидларимиз фаолиятида чинакамига жонланиш рўй бермоқда, адабий жараёндаги ижобий ва салбий ҳодисалар моҳиятини ишонарли ёритишга интилиш кучаймоқда, офаринбозлик, дабдабабозлик, кўзбўямачилик иллатларини бартараф этиш учун курашни авж олдириш тадбирлари кўрилмоқда. Танқидчиликдаги бундай ижобий ўзгаришлар «Ҳақиқат — ижод байроғи» деб аталган мақолалар тўпламида, О. Шарафиддиновнинг «Гўзаллик излаб», У. Норматовнинг «Қалб инқилоби», Б. Норбоевнинг «Ҳақиқат ва баддиият қудрати» китобларида ўз аксини топган.

«Ҳақиқат — ижод байроғи»га киритилган Ботир Норбоевнинг «Баркамол шеър ахтариб...» мақоласидан қуйидагиларни ўқиймиз: «Рамз Бобожоннинг «Ҳолбуки» шеърида жуда топиб айтилган бир гап бор: «Кўп ёзиш шарт эмас, кўп яшасанг ҳам, хом, чала ёзгандан ёзмаган яхши». Бу жуда ҳаққоний гап. Бироқ, афсуски, шоир ўзи айтган рост гапларига ўзи амал қилмайди. Р. Бобожон жуда кўп ёзади ва ёзганларининг деярли ҳаммасини чоп эттиради. Чоп этилган шеърларининг аксарияти умумийлик, мантиқсизлик, ноизчиллик каби қусурлардан холи бўлмайди».

Бу даъвонинг исботи учун қуйидаги сатрлар келтирилади:

Баҳорни ўғирлаб кетгандай биров,
Чорбоғим сарғайиб, ҳувиллаб қолди.
Хазонрез куз келиб, ёққандай олов,
Қўшним ити ойга увиллаб қолди.

Эриш туюлгандай сирли қилиқлар
Ташвишли кўринди ёшу кексага.
Табиат рассомдай чизди чизиқлар
Муҳаббатдан бўлак ҳамма нарсага...

Энди мазкур мисралар талқинига эътибор беринг: «Дастлабки икки сатрда ҳолат ифодаси бор. Борингки, «хазонрез куз» олов ёқишига ҳам ишонайлик, аммо «ёққандай олов, қўшним ити ойга увиллаб қолди», деган гапга қандай мазмун мужассамлашган? Олов ёққанда ит ойга қараб увиллайдими? Шеърда қанақа сирли қилиқлар ҳақида гап кетяпти? Кузнинг олов ёққани-ю, итни ойга қараб ҳурганими? Бунинг нимаси «сирли қилиқ?» Бу ўринда сатрлар эмас, ҳатто сўзлар ҳам мантиқан боғланмаган».

Мана шунга ўхшаш мантиқсизлик, юзакилик, маънисизликни Ботир Норбоев расмий доираларда замонамизнинг зўр шоири деб баҳоланиб келган, жуда кўп юксак мукофотлар, унвонлар билан тақдирланган, танқиддан «юқори»да туриб, фақат улуғланган Рамз Бобожоннинг яна бошқа бир қанча шеърларида, Туроб Тўла, Эътибор Охунова, Гулчеҳра Жўраева сингари назмчиларнинг кўпгина машқларида кўради, уларнинг хом, юзаки шеърларини конкрет таҳлил орқали асосли танқид қилади. Гап танқиднинг асосли бўлиб чиққанидагина эмас. Гап шундаки, мунаққид қуруқ назмбозликни, маъносизликни, мантиқсизликни инкор этиш билан шеъриятимиз равнақини таъминлаётган баркамол поэтик асарларни кўз қорачиғидай қадрлаш тўғрисида мулоҳаза юритиб, бу борада Шавкат Раҳмон, Сулаймон Раҳмон, Усмон Азимов, Хуршид Даврон каби истеъдод соҳиблари эришаётган ютуқлар, улар йўл қўяётган айрим нуқсонларга диққатимизни жалб этади, худди шундай шоирлар ҳозирги ўзбек шеъриятида жанговарлик, курашчанлик руҳини чуқурлаштираётганини айтади.

Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Гулчеҳра Нуруллаевалар ўша истеъдодлар билан бирга ҳозирги ўзбек шеърияти тараққиётини белгилаётгани «Ҳақиқат — ижод байроғи»даги Иброҳим Ҳаққуловнинг «Шеър — юрак тажрибаси», Аҳмад Аъзамнинг «Дард — ожизлик белгиси эмас» мақолаларида намоён қилинади. Тўғри, мунаққид Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Раззоқ Абдурашиднинг кўпгина шеърларида ҳаёт ҳақиқати бутун мураккабликлари, зиддиятлари билан чуқур ёритилмаётганлиги, замон руҳини ифодалайдиган оригинал поэтик образ яратилмаётганлиги тўғрисида мулоҳаза юритади, аммо унинг танқидий мулоҳазалари ёш истеъдодларнинг баракали изланишларини тасдиқлаш руҳи билан суғорилганлиги сезилиб туради. Аҳмад Аъзам бирқанча мунаққидларимиз, хусусан, Нуриддин Шукуров ўзига хослиги билан ажралиб турадиган Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ шеърларидаги мажозий образларни бадиий поэтик мантиқ нуқтаи-назаридан эмас, балки аллақандай ғалати мантиққа асосланиб, бирёқлама талқин этиб, мазкур шоирлар бир қанча ҳолларда «ғоявий камчилик»ларга йўл қўйган, деб нотўғри айблаганини дадил очиб ташлайди. Жумладан, Н. Шукуров ёш шоирнинг:

Гул эксанг, кўкарса — сахий бўлса ер,
Экмасанг ҳам гуллар ураверса барқ.
Ҳамма гуллар ҳақда тинмай ёзса шеър
Демак, бу Ғарб эмас, ўзимизнинг Шарқ,

— деган мисраларини шундай изоҳлайди: «Кўринадики, бу мисраларда сиёсий маънодаги Ғарб ва Шарқ эмас, балки географик маънодаги ғарб ва шарқ қарама-қарши қўйилган. Аммо бунда ҳаётий ва табиий мантиқ асосли эмас. Чунки, Ғарбий яримшардаги мамлакатларда, ерларда гул кўкармайди, деган хулоса нотўғри. Ғарбий яримшардаги Алп яйловларида экилмасдан униб чиққан гуллару ўт-ўланлар ҳаммаёқни қоплаб ётибди. Энг муҳими, Шарқни улуғлаш учун Ғарбни камситиш совет кишиларининг интернационалистик туйғуларига қарама-қарши келади».

Агар ҳаётнинг оддий мантиғидан келиб чиқиб мулоҳаза юритсангиз, Н. Шукуров даъвосида

www.ziyouz.com kutubxonasi

жон бор, дейишингиз мумкин. Лекин гап бу ерда бадиий мантиқ, поэтик мантиққа асосланиб, шеърни талқин қилиш ҳақида кетаяпти. Агар Муҳаммад Солиҳ мисралари синчиклаб ўқилса, уларда фикр мажозий йўсинда ифодаланаётгани ҳисобга олинса, Шарқ Ғарбга қарши қўйилиб, кўкка кўтарилмаётгани, Ғарб эса мутлақо камситилмаётгани ўз-ўзидан англашилади. Ахир, Ғарбда гуллар ўсмайди, деган фикр баён этилмаяпти-ку! Фақат Шарқ гул тимсоли сифатида улуғланяпти, холос. Ғарбда гуллар ўсишини ҳаммамиз биламиз, бироқ у ўзи жойлашган географик муҳит, обҳаво шароитига кўра гулга қиёсланмаслиги ҳам барчамизга аёндир. Шеърда бу фикр бевосита эмас, балки поэтик ФОРМАда ифодаланган. Аҳмад Аъзам мана шуни эслатиб, Н. Шукуров шеърий тилни яхши тушунмаганлигини ишонарли исботлайди.

Тўғри, Аҳмад Аъзам, Иброҳим Ҳаққулов, Ботир Норбоев зўр илмий-эстетик таҳлилни амалга оширди, ҳар жиҳатдан баркамол, оригинал танқидий мақолалар яратди, демоқчимасман. Негаки, улар гоҳида ўз мулоҳазаларини шунчаки баён этиб, даъволарини чуқур таҳлил орқали кўрсатишга етарли даражада эътибор бермайди, ҳукм-хулосаларини қайноқ юрак туйғуларига йўғириб, жуда зўр эҳтирос билан ифодаламайди, илмийликка «асир» тушиб, образли мулоҳаза юритишни таъминламайди. Шунга қарамасдан бу ёш мунаққидларнинг аксари фикрларида ҲАҚҚОНИЙЛИК ПАФОСИНИ ҳис қиламиз, улар БАДИИЙ АДОЛАТ нуқтаи назаридан сўз юритаётганини сезиб турамиз. Чунки Ботир Норбоевнинг сўнгги йигирма беш йил мобайнида «классик» ижодкор деб «шуҳрат» қозонган Рамз Бобожоннинг асл қиёфасини кўрсатишга киришгани, Иброҳим Ҳаққулов билан бирга Т. Тўла, Ж. Жабборов, Э. Охунов, Г. Жўраева, Р. Абдурашид сингари шоирлар қарийб ўттиз-қирқ йилдан бери назмда қалам тебратиб, бирорта поэтик кашфиёт яратаолмаганини исботлайди. Аҳмад Аъзам эса сўз санъатининг ўзига хос қонунларини, шеърият «тили»ни яхши тушунмасдан ғоявийлик байроғини кўтаришга уринаётган мунаққидларга қарши чиқади. Айни чоқда ҳар уччала мунаққид ҳали танқидчиликка бутун кучлари, имкониятларини сафарбар этаяпти, деб бўлмайди. Иброҳим Ҳаққулов ҳозирги адабий жараён таҳлилида кам кўринади, кўпроқ адабиётшунослик, сўз санъати тарихи масалалари билан шуғулланяпти. Табиийки, унинг бу хизмати ҳам керак. Аммо негадир Иброҳим Ҳаққулов ўз истеъдодини адабиётимизнинг бугунги аҳволини таҳлил қилишда тўлароқ намоён қилармиди, деб ўйлаб қоламан. Аҳмад Аъзам танқидчиликни «тарк» этиб, ўзини бутунлай насрга «уриб» кетиш пайида юрибди. Ботир Норбоевда ҳам шунга ўхшаш кайфият кўриниб қолади. Уларни бир жиҳатдан тушуниш мумкин: хоҳлаган ижодкор ҳақида истаган фикрингни билдириш, айниқса, аччиқ танқидий гап айтиш ғоятда мушкул иш. Ҳаммани бир-варакайига мақтасанг, ҳеч ким эътироз билдирмайди. Борди-ю, талантлисини ажратиб олиб, у ҳақда

Адабиёт ва санъат шундай бир мўъжизаки, унинг энг яхши намуналарини ҳам ҳаммага бирдек манзур қилиб бўлмайди. Баъзан шундай бўладики, фалсафий теран, юксак бадиий дид билан ёзилган асарлардан кўра, ҳаёт ижир-чижирларини ифодалаган асарларнинг харидорлари ва уни гулдирос қарсаклар билан қарши олувчилари кўпроқ бўлади. Бундай аҳвол қадимда ҳам, ҳозир ҳам шундай. Ҳамма ҳам Алишер Навоий, Чингиз Айтматов ёки Лев Толстойни сабр ва қизиқиш билан ўқийди дейсизми! Албатта, қочди-қувди ҳақидаги асарлар енгил ўқилади. Лекин, афсуски, унинг салмоғи ҳам, кишиларга етказадиган фойдаси ҳам, ўшанчалик енгил бўлади.

Ҳар бир касб, ҳар бир соҳанинг ўз билимдони, ўз мутахассиси бўлади. Адабиётнинг ҳам саргагини сарак, пучагини пучак қилиб, унинг қадр-қимматини, ҳақиқий баҳосини айтиб турадиган билимдонлари борки, булар танқидчилардир.

Ёзувчи меҳнати ва бадиий асар салмоғини китобхон онгига етказиш, тўғри баҳолай олиш, бу — танқидчидан билимдонликдан ташқари дадиллик ва журъатни талаб қилади. Оқни оқ, қорани қора деб юзга тик айтиш осон эмас. Тўғри сўз туққанингга ёқмайди деб бекорга айтилмаган. Мунаққид бўлишнинг қийинлиги ҳам, унинг энг керакли жиҳати ҳам шунда. Аммо чин танқидчи учун фақат журъат, дадил фикр айтишнинг ўзи ҳам етарли эмас, ахир, одамлар орасида кўзингга қараб туриб оқни қора, қорани оқ деб айтадиганлар учрагандек, ёмон асарни билатуриб, ниманингдир таъсирида яхши дейишга, бу менинг шахсий фикрим деб дадил журъат этадиганлар танқидчилар орасида ҳам йўқ дейсизми!

Норбойнинг танқидчиликдаги алоҳида топган эътибори шундаки, у дадиллик ва журъатни ҳамиша ҳалол гап айтишга ишлатди. У ўзини шахсий манфаат, ғаразлардан ҳамиша устун қўйди. У фикр айтишда беҳадик, ўзини эркин қўйиб, виждони тақозо қилган гапни айтиб келди. Шундан ҳузур қилди. Ҳақиқий танқидчилик журъатдан ташқари мунаққиддан энг ноёб инсоний фазилатлар, ҳақгўйлик, ҳалоллик, ахлоқий покликни талаб қилади. Айниқса, танқидчи хушомад каби иллатдан холи бўлиши керак.

Отилган кўпток ерга қайтганидек, ҳар бир товушнинг ҳам акс-садоси бўлади. Ҳудди шундай ҳар бир танқидий қараш ҳам изсиз, жавобсиз қолмайди. Таъналар, қаршиликлар бўлмай иложи йўқ. Ахир энг яқин дўстларингга ҳам камчиликларини очаберсанг ёқмайди. Сиртдан билдирмасалар ҳам, ўрни келганда гинахонлик қиладилар, мақтаган томонга оғиб кетадилар. Борди-ю, танқид қилинган ёзувчи амалдорроқ, обрўлироқ бўлгудек бўлса, танқидчини имтиёзлардан, ҳаттоки унвонлардан бебаҳра қилиш ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Норбой бундай муносабатларга ҳамиша табиий бир ҳол, деб бағри кенглик билан қарайди. Бу ҳар бир ҳақиқий танқидчи учун ҳам энг асосий фазилатки, бу танқидчини қасоскорликдан, адабиёт манфаати четда қолиб, турли йўллар билан ўчакишликка берилишдан, ғаразгўйликдан сақлайди.

Танқидчилик маддоҳлик ёки мадҳ ўқиш эмас.

О, мақтов, мадҳия, гоҳи одамлар,
Сен билан топади ўчмас шараф-шон.
Гоҳи одамларни йўлдан чалғитиб,
Қилич каби серпиб, қиласан яксон.

Ошна-оғайнигарчилик ёки ўртамиёна асарларни мақтаб, ижодкорни хотиржамликка солиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаққоний фикр билдирмоқчи бўлсанг, бошинг балога қолади. Мақталганлар «рўйхати»дан ким тушиб қолса, ўша кетингдан болта олиб қувади. Агар заиф асарнинг асл моҳиятини кўрсатишга ҳаракат қилдингми, дарров унинг муаллифи сенга тазйиқ кўрсата бошлайди. Айниқса, юксак лавозимларда турган бирқанча истеъдодсиз қаламкашлар ўзларини тирик «классик» деб мақтатдилар, натижада катта-катта мукофотлар, улуғвор унвонлар олдилар. Ахир, сўнгги йигирма-йигирма беш йил мобайнида йигирма бешга яқин ижодкор кўкракларига «Ўзбекистон халқ шоири ёки ёзувчиси» деган нишонни таққанлигини бир эсланг! Диққат қилинг: деярли ҳар йили биттадан «халқ ёзувчиси, халқ шоири» етиштирилибди! Кошки эди улар ана шундай юксак унвонга лойиқ бўлса!

Тўғри, уларнинг орасида Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби чинакамига халқ ижодкори, деб эътироф этиладиган санъаткорлар бор эди-ки, буни адолат ифодаси сифатида мамнуният билан қайд қиламиз. Аммо ўшандай санъаткорлар қаторига Рамз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом, сингари ўртамиёна китобларнинг муаллифларини мажбурий «қўшиб» қўйишди. Худди мана шундай «халқ ижодкорлари» Ш. Рашидов атрофига тўпланиб, адабий муҳитда «об-ҳаво»ни белгиладилар, ўзларининг «талантлари»ни намойиш қилиш учун ҳар хил воситаларни ишга солиб, юксак лавозимларни эгалладилар, пировард-натижада дабдабабозлик, офаринбозлик, кўзбўямачиликни авж олдириб, чинакам истеъдод соҳибларининг қолипга, схемага «сиғмайдиган» ҳаётий асарларида «ғоявий нуқсон»лар тўпланиб ётибди, деб жар солдилар, уларни сўз санъати, социалистик реализм «душманлари» деб қоралашгача бориб етдилар. Лоақал ўттизинчи, олтмишинчи йилларда Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», «Тобутдан товуш», олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярми ва етмишинчи йилларда Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқча», «Абдулла Қаҳҳор», «Ғазал» сингари бирқанча шеърлари ҳаётни бузиб кўрсатувчи, социалистик реализмга ёт асарлар, деб баҳоланганини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоядир. Гап фақат талантсиз қаламкашларнинг «классик» ижодкорлар деб мадҳ этилиши, чинакам истеъдодларнинг ерга урилиши тўғрисидагина кетаётгани йўқ. Гап шундаки, социалистик реализм принциплари қўпол равишда бузиб талқин этилди, совет адабиётининг жанговарлик, курашчанлик руҳи кескин қаршиликка дуч келди, ҳаётни чуқур тадқиқ этиб, ҳақиқатни барча мураккабликлари, зиддиятлари билан ёритишга монелик кўрсатилди. Мана шундай «иқлим»ни яратишда деярли барча газета-журналларимиз, нашриётларимиз раҳбарлари, мутасадди ходимлар фаол иштирок этишди. Буни қандай изоҳлаш керак? Гап шундаки, уларнинг кўпчилиги истеъдодсиз ёзувчилардан иборат эди. Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, дегандек, ўшандай раҳбарлар ўзларига ўхшаш истеъдодсиз қаламкашларни ҳимоя қилиб, нуқул сирти ялтироқ, ичи қалтироқ «асарлар»нинг ёмон қовуннинг уруғидай урчиб кетишига кенг йўл очиб

унинг ривожига ярим йўлда тўсиқ бўлиб, пастга судрагандан, адабиётнинг ривожига ҳисса бўладиган, ёзувчини ҳушёр торттирадиган очиқ танқид минг марта афзал-ку!

Танқидчилик албатта, фақатгина адабий асарларнинг салбий томонлари, нуқсонларини кўрсатишдангина иборат эмас. Бундай қараш мутлақо тўғри бўлмайди. Норбой гарчи адабиётимиздаги нуқсонларни бешафқат кўрсатиб келган бўлса-да, унинг яхши намуналаридан ҳам кўз юмган эмас. Айни замонда у ўртамиёна бўш асарларни кўкларга кўтариб мақташга қарши курашди.

Зеро, адабиётнинг обрўси ва ютуқлари мақтовлар билан белгиланмайди. Норбой адабиётнинг ривожи ва эътиборини унга нотўғри назарий ёндашишлардан сақлаш, танқидчилар орасидаги тарафкашлик, ошна-оғайнигарчиликка қарши курашиш деб билади ва ҳамиша очиқ-ойдин, дадил баҳслашишдан тортинмайди. Кўпинча ҳақ ҳам бўлиб чиқади. Бунга ёркин бир мисол сифатида «Вопросы литературы» (1987, № 1) журналида босилган мақоласини эслатиш кифоя. Ахир унда қанчақанча назарий ва фикрий чалкашликларга ёркинлик киритди-ку. Бу танқидчидан жуда катта меҳнат ва билимдонликни талаб қилади. Ахир Норбой нуқсонларини очиқ, самимийлик билан кўрсатган, аммо айрим танқидчиларимиз томонидан Иттифоқимиздаги машҳур ёзувчилар қаторига қўйиб, кўкларга кўтариб мақталган асарлар тақдири нима бўлди! Республикамиздан нарига кўтарилмади-ку!

Ростини айтганда, юксак унвон ва даражаларга эга ёзувчиларни ёки мукофот олган, лауреатликка нолойиқ бўлган асарларни танқид қилишга ҳамма ҳам зарурат сезмайди, тўғриғоғи, Норбойдек журъат қилабермайди. Чунки Норбой бундай чоқда кимларнингдир қўллаб-қувватлашини эмас, жаҳон ва Иттифоқимиз адабиёти ютуқларини ўзига мезон қилиб олади, москвалик ҳамкасб олимлару, танқидчиларнинг юксак талабчанликларига суянади.

Норбой Худойбергановдаги бу яхши фазилат, яъни адабиётга катта талабчанлик билан ёндашиш айримларга адабиёт ютуқларини камситиш, кўролмасликдек туюлса ҳам, аммо илғор фикрлаши, фақатгина у ёки бу асарнинг ютуқ, камчиликлари атрофида ўралашиб қолмай, шу баҳона ижтимоий масалалар ҳақида фикр юритиши, янги-янги муаммоларни кўтариб чиқиши, танқидчи сифатида фақат унинг номини эмас, ўзбек танқидчилигининг обрўсини Иттифоққа олиб чиқди.

Норбойда на амал ва на дабдабали унвонлар, на лауреатлик бор. Аммо мақолалари Москванинг энг эътиборли газета-журналларида кетма-кет босилиб туришининг сири ҳам ундаги объективлик, кескинлик ва самимийлик самарасидир.

Норбой менинг асарларим ёки ижодим ҳақида бирор мақола, бирор тақриз ёзган эмас. Аммо унинг мақолаларидаги талабчанлик, адабиёт ҳақида теран фикрлаши кўп қатори менга ҳам ижобий таъсир кўрсатгани рост.

Норбойнинг адабиёт ривожини ўйлаб қилаётган холис хизмати, куюнчаклиги ҳақида айтадиган анчагина йиғиб қўйган гапларим бор. Аммо у табиатан мақтовни унча хушламайди. Лекин ҳаёт шундайки, умр ўтиб, киши кексайган сари иззат талаб, ширин гапнинг қули бўлиши ҳам ҳақ. Шунинг учун ажойиб олим, ҳақгўй ва теран фикрли танқидчимиз ҳақидаги мақтовларни шошилмай, 60—70 йиллик тўйларида яна ҳам мукаммалроқ қилиб айтишни ният қилиб қўйдим.

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири

www.ziyouz.com kutubxonasi

берди. Матбуот соҳасида кимки раҳбарлик лавозимига кўтарилдими, агар дастлабки журналист бўлса ёки ёзиш-чизишга алоқадор бўлса, бас, бир «думалаб» ижодкорга айланди, ёстиқдай «семиз» романлар, қиссаларни «дўндириб» ташлади. Борди-ю, бундай қийин, мураккаб шароитда танқид ва ўз-ўзини танқид равнақ топтирилса, ўша «раҳбар ёзувчилар»нинг чуви чиқиб, шарманда-ю шармисор бўларди. Шунинг учун кўпгина газета-журналлар, матбуот ўчоқларидаги масъул ходимлар, раҳбарлар республика партия ташкилотларидаги бирқанча «раҳбар ижодкор»ларнинг раҳнамолигида ҳаққоний, муросасиз, асосли курашчан танқиднинг йўлини тўсдилар. Оқибатда ўз-ўзидан фақат офаринбозлик авжига чиқди.

Шунга қарамасдан М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов каби мунаққидларимиз аксари ҳолларда мана шу мушкул ишни сидқидилдан адо этдилар. Тўғри, улар ҳам гоҳида «обрўли» мансабдор қаламкашларга ён босишга мажбур бўлди, аммо умуман олганда адабий танқидчилик, илмий-эстетик тафаккур жуда кўп қийинчиликлар, тўсиқларни енгди, секинлик билан бўлса-да, тараққиёт йўлидан борди, ўзбек совет адабиётининг асл қиёфасини кўрсатувчи баркамол асарлар ва уларнинг ижодкорларини ноҳақ, ноўрин, исботсиз танқидлардан асрашга ҳаракат қилди, дабдабабозлик, кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик орқали «обрў» олган бўш асарлар моҳиятини кўрсатишга интилди. Эҳ-ҳе, бу интилишлар, ҳаракатлар қанчалик куч, сабру тоқат, қанчалик оғир, даҳшатли курашлар натижасида юзага келганини тасаввур қилишингиз қийин! Ахир, сунъий, бемаъни, аҳмоқона тўсиқлар борки, уларни қандай қилиб бартараф этишга илож тополмай қоласиз! Масалан, бирор газета ёки журналга танқидий мақола тақдим этдим, деб тасаввур қилинг. Журнал ёки газета муҳаррири тахминан шундай дейди: «Мақолангиз яхши, Уйғун билан Яшинни аввал мақтабсиз, сўнгра бир-икки оғиз танқидий сўз айтибсиз. Сўнгра Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Тороб Тўланинг оқсоқол адибларимиз анъаналарини давом эттириб, бирқанча асарлар ёзганини, бироқ ҳали жуда катта бадиий кашфиётлар яратмаганини қайд қилибсиз. Майли, хоҳлаган фикрингизни айтинг, танқид қилинг, лекин танқидингиз беозор бўлсин, ижодкорларимизнинг кўнглини чўктирмасин, уларга оғир ботмасин, аксинча, кайфиятини кўтарсин, илҳом бахш этсин!..»

Диққат қилинг: ҳеч ким танқидни ман қилаётгани йўқ, майли, бемалол танқид қилаверинг, аммо ҳеч кимнинг кўнглини оғритманг, дилига озор берманг, деб алоҳида таъкидлаяпти, холос. Аслида мана шу таъкид танқидни ман этиш, танқидни мақтовга алмаштириш керак, деган буйруқ бўлиб жаранглаяпти. Ахир, чинакам танқид ҳеч қачон асал каби ширин бўлган эмас-ку! У ҳамма вақт аччиқ бўлиб, албатта қаттиқ ботади, кўнгилни хижил қилади-да! Фақат мақтовгина ҳаммага хуш ёқиб, кўнгилларни хушнуд этади-ку! Ҳа, мақтовни ёмон кўрадиган ижодкор ҳам, одам ҳам топилмаса керак. Аммо мақтов билан мақтовнинг фарқи бор. Мақтовлар борки, мустаҳкам заминга суянади, ҳаққоний вазиятни акс эттиради. Мақтовлар борки, ҳеч қандай заминга эга бўлмайди, нуқул ёлғон-яшиққа асосланади, ёмонни яхши, салбийни ижобий қилиб кўрсатади. Мана, адабий танқидчиликда шундай мақтовларнинг жуда кенг тарқалган бир кўриниши: бу асар адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, унинг муаллифи ниҳоятда ажойиб ютуқни қўлга киритибди, тўғри, айрим жузъий етишмовчиликлар мавжуд, баъзи жумлалар ғализ чиққан, бироқ булар эришилган муваффақиятни асло инкор этмайди...

Шу йўсинда ёзилган проблематик, обзор мақолалар, ҳатто кўламли тадқиқотлар, монографиялар, оддий тақризларнинг-ку сон-саноғи йўқ, улар адабий танқидчиликдаги асосий йўналишга айланиб ҳукмронлик вазиятини эгаллади. Гап ижодкорлар фаолияти, изланиш-интилишларининг нотўғри баҳоланиб, сўз санъатида рўй бераётган ўсиш-ўзгариш, салбий ҳодисаларнинг бузиб талқин қилиниши ҳақидагина кетаётгани йўқ. Гап шундаки, адабий-танқидий мақола, тадқиқот ёки тақризнинг мазмуни олдиндан белгилаб берилади, муайян асар ва унинг муаллифини мақташ зарурлиги норасмий қонунга айлантирилади, бу «қонун» эса мунаққиднинг қўлини боғлаб, жиловлаб қўяди, ижодий фикрлашдан маҳрум этади, эркин мулоҳаза юритишга имкон бермайди.

Хўш, шундай оғир шароитда ким ҳам танқидчилик билан қизиқиб, мунаққид бўлишни хоҳлайди, дейсиз?! Хайриятки, танқидчилик билан шуғулланишни истовчилар топилади. Айниқса, ўзларида танқидчилик истеъдоди, бадиий асар, адабий жараённи талқину таҳлил қилиш қобилияти борлигини сезган бирқанча ёшлар мавжуд. Раҳимжон Отаев, Шавкат Ризаев, Шаҳобиддин Одилов, Мансур Тенглашев, Абдулла Улуғов, Аҳмад Отабоев, Раҳмон Қўчқоров шулар жумласидандир. Улардан Аҳмад Отабоев битта китобчасини нашр эттирди, бошқалари онда-сонда тақризлар, мақолалар билан кўриниб туради, бироқ ҳали ўзларининг адабий танқид бобида нималарга қодир эканликларини тўла намоён қилиб улгурмасданоқ ижоднинг бошқа тармоқларига ўтиб кетаётир. Раҳимжон Отаев наср ва публицистикага қўл уриб, бир китобини нашр эттирди, энди қаламини таржимада синаб кўрмоқда. Раҳмон Қўчқоров бирваракайига наср ва танқидчилик билан шуғулланаяпти...

Хуллас, ёшлардан қайси бири ўзининг бутун кучи, имкониятларини танқидчиликка бағишлаб, фидойи, фаол, жанговар мунаққид бўлиб шуҳрат қозонишини айтиш қийин. Вазиятнинг инсон тушуниши лозим бўлган томони бор: мунаққид ёш бўладими, тажрибали бўладими, бундан қатъи назар, у ҳам одам, яшаши, кун кечириши керак, бунинг учун ёзилган мақолалари, тақризлари босилиб турмаса, моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам тақдирланмаса, тирикчиликнинг ўтиши амримаҳол. Мана бу фактга диққат қилинг: Шаҳобиддин Одилов, Абдулла Улуғовнинг газета-журналларимизда 1986 йил мобайнида камида беш-олтитадан мақола, тақризлари қабул қилинди, лекин уларнинг аксарияти қандайдир сабабларга кўра босилмади. Ёзганинг яроқли, аммо босиб бўлмайди, дейилса, бундан додлашинг билан иш битмайди, дод-вой қорин тўйдирмайди, маънавий мадад бермайди. Бўлмаса нима қиласиз? Табиийки, ижодкор ўзидаги яратиш қудратини намоён қилиш учун маънавий ва моддий суянчиғ тополмаса, ўз соҳасини тарк этиб, яшаш, кун кечиришга имкон берадиган бошқа соҳага ўтиб кетишга мажбурдир. Ахир, у ҳам тирик одам-ку! Борди-ю, бошқа соҳага ўтмаса, барча қийинчиликларни бартараф этса, яъни йўқ ердан йўндирса, буни мислсиз қаҳрамонлик, деб эътироф этамиз.

Масалага шу жиҳатдан қаралса, бир йил, икки йил эмас, йигирма-ўттиз, ҳатто бундан ортиқ вақт мобайнида М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов асосан танқидчиликнинг «нон»ини еб, илмий-эстетик ижод байроғини ҳар қандай «бўрон»лар тазйиқига қарамасдан баланд кўтариб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келаётганига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Тўғри, улар ҳамма вақт фаол ишлади, нуқул ютуқларни қўлга киритди, деб бўлмайди. Қайсибир мансабдор «ижодкор»лар райъига қараб, бири баъзан ўз эътиқодидан қайтиб, айрим заиф асарларни зўр деб мақтади, офаринбозлик «оқими»га қўшилди. Ҳатто ҳозирда ҳам ўша илғор мунаққидларимиз ҳақиқат ва адолат талабига гоҳида зид борадиларки, буни ҳали ижодий шарт-шароитларнинг тўла соғломлашмагани билан изоҳлаймиз. Оқибатда улар ўз имкониятлари, истеъдодларидан оқилона фойдаланмасдан ишладиларки, бундан келиб чиқадиган айрим нуқсонларни рўйи рост кўрсатишимиз, бу нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўришимиз даркор. Лекин шуниси қувонарлики, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов бошқа қобилиятли ва тажрибали мунаққидларимиз билан ҳамкорликда социалистик реализмнинг туб ўзагини ташкил этувчи баркамол асарларни гоҳо бевосита, ошкора, гоҳо «дипломатик» воситалар орқали астойдил қўллаб-қувватладилар, чинакам истеъдодларнинг сўз санъатида жанговарлик, курашчанлик руҳини кучайтиришига кўмаклашдилар. Уларнинг оғзаки ҳамда ёзма чиқишларида, аксари мақолалари, тақризларида ҳеч қандай асоссиз «ғоявий хато» деб камситилган, ҳатто Абдулла Қаҳҳорнинг «ман этилган» «Тобутдан товуш», Абдулла Ориповнинг бир қанча шеърлари ижобий баҳоланиб, нотўғри айбномалардан ҳимоя қилинди. 60—80-йиллар ўзбек романчилиги қиёфасининг биринчи галда «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», «Кўҳна дунё», «Юлдузли тунлар», «Олмос камар» каби асарлар билан белгиланганининг ёритилиши-чи? Ҳозирги ўзбек шеъриятининг равнақини Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов билан Омон Матжон, Рауф Парфи, Гулчеҳра Нуруллаева, шунингдек, Шавкат Раҳмон, Усмон Азимов, Муҳаммад Солиҳ, Хуршид Даврон, Муҳаммад Раҳмон сингари ижодкорлар таъминлаётганининг кўрсатилиши-чи? Насримиз тараққиётига сезиларли ҳиссасини қўшаётган Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов самарали изланишларининг тўғри талқини ва таҳлили-чи?

Буларни ўша танқидчиларнинг кўпгина мақолалари, тадқиқотларида учратамиз. И. Ғафуров, С. Мамажонов, П. Шермуҳамедовлар-чи? Улар ҳозирги адабий жараёнда рўй бераётган айрим ўзгаришларга гоҳида ўзларининг анча жиддий муносабатларини билдириб турадилар, баъзан салмоқли мулоҳазаларини баён этадилар, бироқ бутун куч-қуввати, имкониятларини илмий-эстетик тафаккур равнақига сафарбар этаяптилар, чинакам талабчанлик, принципиаллик нуқтаи-назаридан иш кўраяптилар, дейиш қийин. Айни чоқда И. Ғафуров ҳозирда кўпроқ таржимада, П. Шермуҳамедов публицистика ва насрда кўпроқ меҳнат қилаётганлигини қайд этиш керак. Бундан ташқари, айрим ёзувчиларимиз, хусусан, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров бир қанча ҳолларда адабий-танқидий мақолалар билан чиқиб, ижод жараёнида рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини ёритишда қатнашдилар, чинакам истеъдод меволарини ҳар хил «бўрон»лардан асраб, заиф, хашаки асарларга қарши курашга қўшилдилар. Айниқса, Абдулла Қаҳҳор то умрининг охирги лаҳзаларигача «талант — халқ мулки» эканлиги, истеъдодсизлик — даҳшатли иллат бўлиб, уни бутун илдизи билан йўқотиш зарурлиги тўғрисида ҳаққоний, ўткир фикрларини билдириб турдики, бу ижод равнақига, илмий-эстетик тафаккур ривожига ўз таъсирини кўрсатди. Ахир Абдулла Орипов ёки Шукур Холмирзаев, Эркин Воҳидов ёки Ўткир Ҳошимов каби ижодкорларнинг дастлабки ютуқларини қувониб, нуқсонларини куйиниб кўрсатгани, Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» ёки Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» асарларида ҳаёт ҳақиқати ўз ифодасини топмаганини дадил айтгани чинакам ижодий талабчанлик, муросасизлик намунаси бўлди-ку! Шунинг учун «қаҳҳорона» баҳолаш, «қаҳҳорона» талқин қилиш бадиий ижоддаги ҳақиқат ва адолат тимсолига айланди. Ахир М. Қўшжонов ҳам, О. Шарафиддинов ҳам, У. Норматов ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллик таваллуди муносабати билан ёзган эсдаликларида бу буюк ижодкорни ўзларининг устозлари деб эътироф этгани қонуний ҳодиса-ку!

Ҳа, «қаҳҳорона» баҳолаш ва талқин қилиш ўзбек танқидчилиги тараққиётининг ўзига хос «йўлчи юлдуз»ига айландики, буни М. Қўшжоновнинг И. Раҳимга «Очиқ хат», «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» (Сайёрнинг «Ҳулкар» қиссаси таҳлили), О. Шарафиддиновнинг «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси» (Ў. Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссаси таҳлили) мақолаларида кўриб, адабий танқидда ҳаққоний, ҳалол сўзнинг қадрини бутун вужудимиз билан ҳис қилиб, яхши идрок этдик, тушуниб олдик. Негаки, мазкур мақолаларда «Одам қандай тобланди», «Ҳулкар», «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» асарлари шундай таҳлил қилиндики, бу таҳлил орқали М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновнинг баҳоланаётган, талқин этилаётган материалга «қаҳҳорона» муносабатда бўлиб, ўзларининг муросасиз, талабчан, ғамхўр танқидчи эканлигини кўрсатди. Худди шу таҳлилда И. Раҳим, Ў. Умарбеков, Сайёр яхши ният билан қўлга қалам олганлиги, жуда кўп ҳаётий воқеаларни ўрганганлиги, аммо маҳорат етишмаслиги оқибатида реал ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантиролмагани намоён бўлади. Хусусан, Ў. Умарбековнинг замонамиз қаҳрамони ҳар хил қийинчиликларни енгиб, коммунистик эътиқоднинг ғалабасини таъминлаши зарур, деган фикри қўллаб-қувватланади, лекин бу фикрнинг тирик ва етук образга сингдириб юборилмагани афсусланиб таъкидланади. Энг муҳими, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов бадиий жиҳатдан ғўр, заиф асар кенг китобхон онгини заҳарлаб, унинг дидини ўтмаслаштиради, сўз санъати ҳақидаги тасаввурини бузади, бадиий ижод равнақига тўсқинлик қилади, ҳаёт, реал воқеликда қандай воқеалар, ўсиш-ўзгаришлар рўй бераётганини ўта жўнлаштириб кўрсатади, адолат, ҳақиқатнинг ноҳақлик, қабиҳлик, манфурлик каби иллатларга қарши курашига асло кўмаклашмайди, деган ҳукмни гоҳ бевосита, гоҳ бавосита ифодалайдиларки, бу билан улар маълум маънода ўзбек танқидчилигида адабий-бадиий ҳодисаларни «қаҳҳорона» баҳолаш ва талқин қилиш анъаналарини давом эттираётганини исботлаяпти. Хусусан, О. Шарафиддиновнинг «Гўзаллик излаб» китобидаги «Характер — бадиийлик мезони», «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» мақолалари шу жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Биринчи мақола Эмин Усмонов қиссалари таҳлилига бағишланган, иккинчи мақолада ҳозирги ўзбек шеъриятида ўртамиёначилик «касали» кенг қулоч ёзиб, илдиз отиб кетганлиги тўғрисидаги жуда аччиқ, аммо ҳаққоний мулоҳазалар, кузатишлар жамланган. Яна шуниси диққатга сазоворки, танқидчи очиб ташлаган кўпгина нуқсонлар икки ёки уч қаламкашга эмас, балки бир неча ижодкорларга тааллуқлидир. Чунончи, Эмин Усмонов асарлари таҳлили жараёнида шундай бир хулоса чиқарилади: «Ёлқин» қиссасида ҳам «Меҳригиё» романидаги каби асарларнинг ғоявий негизини ташкил қилувчи конфликт ўзининг бутун мураккаблиги ва тўлалиги билан намоён бўлмай қолган. Бу қиссада ҳам конфликтнинг кўлами торайиб қолган, натижада у бугунги колхоз ҳаётининг реал зид-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диятларини ифодаловчи ижтимоий қудратдан анча маҳрум бўлиб, турли шахслар ўртасидаги шунчаки жўнроқ низога айланиб кетган. Бу эса характерларни тўлалигича ҳаётий ва чинакамига жонли чиқишига, қабариқ бўлишига монелик қилган» (94-бет).

Мазкур ҳукмнинг тўғри эканлиги Э. Усмоновнинг яна бир асари — «Тилла чаноқ» қиссаси таҳлили орқали янада ишонарлироқ қилиб исботланган, аммо мен ўқувчи сифатида ёзувчи санъатига айтилган бу танқидий мулоҳазалар, айтайлик, И. Раҳимнинг «Одам қандай тобланди», «Оқибат», «Генерал Равшанов» ёки Ҳ. Ғуломнинг «Мангулик», «Қорадарё», «Бинафша атри» сингари романларига ҳам бевосита алоқадор эканлигини сезаман. Наинки мазкур романлар, ҳатто ўнлаб, ҳатто юзлаб ҳикоялар, қиссаларда ҳам конфликтлар ҳаётдагидек барча мураккаблиги билан ёритилмаётганини кўраман.

Йўқ, фақат насрдагина эмас, балки шеъриятда ҳам кўпинча замондошларимизнинг меҳнат жараёнидаги, шахсий фаолиятидаги изланиш-интилишлари, курашларини ҳаққоний поэтик образлар орқали кўрсатишда юзакиликка, баёнчиликка, офаринбозликка йўл қўйилмоқдаки, оқибатда ўртамиёна, бўш шеърлар, достонлар сони тобора ортиб бормоқда.

«Шеър кўп, аммо шоир-чи?» деган мақоласида О. Шарафиддинов шу ҳақда мулоҳаза юритиб, кўпгина ёшлар, ҳаётий тажрибага эга бўлган бир қанча одамлар ўзларида асл истеъдод бор-йўқлигини обдан ўйлаб, аниқлаб кўрмасдан шоир бўлиш йўлига тушгани, ҳар хил сўзларни қофиялаштириб, муайян вазнга солиб, бирин-кетин шеърларни дўндириб ташлаётганига диққатимизни жалб этади. У бирқанча шеърлар шаклан шеърларга ўхшаб кетса-да, мазмунан ўта қашшоқ, қуруқ эканлигини кўрсатади ва сўнгра шундай дейди: «Шеърларда гражданлик пафосининг сустлиги, ҳаётийлик заифлашиб, мавҳумлик кучайиб бораётганининг бош сабаби шуки, шоирнинг китобхонга АЙТАДИГАН ТАЙИНЛИ ГАПИ бўлмайди» (33-бет. *Таъкид бизники* — **Н. Х.**).

«Тайинли гап» деганда танқидчи ҳаёт ҳақиқатини, давр руҳини, инсоннинг интим дунёсини, маънавий оламини барча зиддиятлари билан чуқур ёритадиган ғояни, кучли ҳис-ҳаяжонга, эҳтирос тўлқинларига йўғрилган ғояни назарда тутадики, буни махсус изоҳларсиз англаб оламиз. Дарҳақиқат, юракларни тўлқинлантириб, ларзага солиб, ақлу шуурингизга маънавий-руҳий мадад, унутилмас сабоқ олиб кирадиган фикрни ифодаламаган ҳар қандай гўзал, чиройли асар, у шеърми, романми, драмами, бундан қатъи назар, ҳеч кимга, ҳеч қандай наф келтирмайди. Адабий-танқидий мақола, тақриз ёки тадқиқот-чи? Агар уларда «тайинли гап» бўлмаса, ўқувчилар оммасининг онгу тафаккурингигина эмас, балки ёзувчиларнинг ҳаётга, ижодга муносабатида нималарнидир ўзгартирадиган илмий-эстетик қудрат ўз аксини топмаса, бундай адабий танқид кимга керак? Ахир Белинскийни танқидчи даражасига кўтарган омиллардан бири шундан иборатки, у яратувчи, кашф этувчи мунаққид сифатида иш кўрган. Айтайлик, Пушкин ижодига бағишланган туркум мақолаларида рус адабиётида ўзига хос такрорланмас даҳо пайдо бўлганини конкрет асарлар таҳлили орқали кўрсатиш билан бирга ҳаётни юксак эътиқод, улуғвор орзулар асосида қайта қуриш, ўзгартиришга иштирок этувчи жанговар шеърият, реалистик шеъриятнинг туб моҳиятини ёритди, сўз санъатининг ўсиш-ўзгариш қонунлари, ўзига хос хусусиятларини очиб берди. Добролюбов-чи? У Белинский анъаналарини изчил давом эттириб, «Зулмат ичра нур», «Ҳақиқий кун қачон келади» сингари илмий-эстетик тафаккурнинг дурдоналарини яратди, адабий танқид санъаткорона ёзилиб, ўз сюжети, композициясига мувофиқ дунёга келадиган мустақил ижод тури эканлигини исботлади. Бундан олдин Чернишевский адабий танқид ҳам ҳаётдаги, ҳам санъатдаги гўзаллик мазмунини ёритиб, ижтимоий-маънавий тараққиётни таъминловчи ғоятда ўткир қуроллардан бири эканлигини намойиш қилди. Писарев-чи? У ўзининг Чернишевский, Белинский, Добролюбов анъаналарига ҳамоҳанг, муштарак изланиш-интилишлари билан адабий танқиднинг жанговарлигини яна бир поғона юқори кўтарди, сўз санъатининг инсон онгу тафаккурини, жамиятни ўзгартиришга сафарбар этилганлигини исботлашга бутун куч-қудрати, имкониятларини сафарбар этди...

Масалага шу жиҳатдан қаралса, ўзбек танқидчиларидан қайси бири ўзининг бой, ранг-баранг, салмоқли илмий-эстетик оламини яратибди, бу оламда бамисоли кўзгудек адабиётимизнинг барча «мусбат», «манфий», яъни ижобий, салбий хусусиятлари ўз ифодасини топибди, деган жумбоқни ечишга қийналасиз. Ахир, ҳозирги ўзбек танқидчилигимизда улуғ рус мунаққидлари анъаналарини ривожлантириб, янги поғонага кўтарган, бадиий ижод, жамият тараққиётига кучли таъсир ўтказадиган ғоятда йирик, қудратли, жуда ёркин истеъдодлар ўзларининг беқиёс мардлиги-ю, матонатини кўрсатяпти, деб айтолмаймиз-ку! Лекин М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновнинг юқорида тилга олинган ёки тилга олинмаган етук мақолаларини эслаб ўзимизни бемалол овута оламиз: улуғ рус танқидчилари мактабида таълим олиб, адабиётимизнинг социалистик реализм байроғи остида равнақ топишига камтарин ҳиссаларини қўшаётган забардаст мунаққидларимиз бор ва уларнинг сафига кириб, ўзининг илмий-эстетик оламини яратишга астойдил интилаётган олимларимиз астасекинлик билан бўлса-да, тобора ортиб бораяпти. Умарали Норматов ва Ботир Норбоев шулар жумласидандир. Ҳа, булардан бири М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов тажрибаларини тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштириб, ўзбек танқидчилигининг пешқадам вакиллари сафига ўтди, иккинчиси эса ўз навбатида устоз мунаққидлар била бирга У. Норматов таълимини олиб, танқидчиликда ўзининг мустақил йўлини кашф этишга ҳаракат қилмоқда. Тўғри, Ботир Норбоев нисбатан ёш, жуда бой, рангбаранг тажриба тўпламаган, энди учинчи китобини чоп эттирди. Умарали Норматов эса оқсоқол ижодкорларимизга ёш жиҳатдан ҳам, ижодий тажриба жиҳатдан ҳам анча яқинлашиб қолди. Энг муҳими, у бирқанча ҳолларда М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов билан ижодий мусобақага киришиб, ўзининг фаоллигини кўрсатиб келаётир ва устозлар сафига келиб қўшилди. 1986 йилда босилиб чиққан «Қалб инқилоби» китоби, айниқса, бу китобга киритилган «Зарур одам», «Изланишлар қандай кечаётир ва баҳоланаётир» мақолалари шундан далолат беради, Умарали Норматов ўзининг илмий эстетик дунёсини яратиш борасида фаол ишлаётган, тинмай изланаётган мунаққид сифатида танилди. Айтиш керакки, маҳсулдорлик, фаоллик бобида унга тенг келадиган танқидчи жуда камдир. Гоҳида кўп ёзади-ю, нега баъзан хўб ёзиш тўғрисида қайғурмайди, сон кетидан қувиб, сифатга путур етказади, юксак талабчанлик, муросасизликни унутиб, ортиқча ҳотамтойлик қилади, деган эътироз туғилади, бироқ бу эътироз барча мунаққидларга, шу жумладан, каминага ҳам тегишлидир. Зотан, ҳеч қандай ижодкор, у қанчалик истеъдодли, улуғвор бўлишидан қатъи назар, қандайдир камчиликка йўл қўйиши мумкин, аммо унинг фаолиятида ижобий натижалар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

муваффақиятлар кўпми ёки салбий оқибатлару муваффақиятсизликларми — гап мана шундадир. Умарали Норматов ижодининг бош, етакчи пафоси шундан иборатки, мунаққид қайси асарларда социалистик реализм принципларига мувофиқ ҳаёт ҳақиқати тўғри, ишонарли ифодаланаётганини кўпинча бехато аниқлайди, қайси ёзувчиларда чинакам истеъдод намоён бўлмаётганини чуқур идрок этади. «Изланишлар қандай кечаётир ва баҳоланаётир?» ҳамда «Зарур одам» мақолаларида унинг мана шу хусусиятлари яққолроқ кўзга ташланади. Биринчи мақолада пешқадам ўзбек адиблари, айниқса, ёш истеъдодли ёзувчилар замон руҳини ёритиб, ижтимоий-маънавий тараққиётга таъсир кўрсатиш учун ўзига хос оригинал поэтик, эпик, драматик образлар яратиш борасида самарали натижаларни қўлга киритмоқда, хусусан, «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё» романларида машҳур адабиётшунос М. Бахтин аниқлаган полифония (кўп маънолилик, ранг-баранг мусиқийлик, хилма-хил талқинлар)нинг айрим белгилари кўзга ташланмоқда, деган фикр илгари сурилади. Иккинчи мақолада ўзбек адабиётида бир қанча ҳаётий қаҳрамонларни учратамиз, улар реал воқеликни мавжуд зиддиятлари, мураккабликлари билан гавдалантиради, бироқ кашфиёт даражасига кўтарилган ижобий образлар яратиш борасида катта ютуқларга эришилмаяпти, дейилади ва хулоса айрим конкрет асарлар таҳлили билан исботланади. Айниқса, схемага, қолипга солиниб, ҳаёт ҳақиқатини ўта силлиқлаштириб, жўнлаштириб кўрсатаётган асарларга қарши курашиш лозимлиги алоҳида уқтирилади, ҳаётий конфликт билан бадиий конфликт моҳиятини бирёқлама тушунтираётган мунаққидлар, хусусан, Б. Имомовга қарши ишонарли баҳс юритилади.

Майли, баҳс юритилибди дейлик, бироқ буни ўзи фазилатми? Ахир ҳар хил фикрлар тўқнашуви, қарама-қарши мулоҳазалар «жанги» адабий танқиднинг ажралмас бўлаги эмасми? Наҳотки, танқидни баҳс, мунозарасиз тасаввур қилиб бўлса?

Ҳа, дабдабабозлик, кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик таомилга айланган 1960—1980 йилларда ҳукмронлик қилган дабдабабозлик, кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик шунга олиб келдики, оғизда ҳамма танқид, ўз-ўзини танқидга кенг йўл берайлик, деб бонг уради, амалда эса юксак, масъулиятли лавозимларни эгаллаб олган айрим ёзувчиларгина эмас, бир қанча танқидчилар ҳам фақат мақталди.

Эътибор беринг-а, Ўзбекистоннинг барча газеталари, журналларида кейинги чорак аср мобайнида эълон қилинган адабий-танқидий мақолалар, тақризлар, кўламли тадқиқотларнинг биронтасида И. Султонов, Ҳ. Ёқубов ёки Л. Қаюмовнинг қайси бир мақоласи, тадқиқотида илмий-эстетик ҳақиқат тўла акс этмаган, муайян юзакиликлар, бирёқламаликлар бор, уларнинг айрим талқинлари бизни қаноатлантирмайди, деган раддия ёхуд эътирозни тополмаймиз. Кўкларга кўтариш, идеаллаштириш авжга чиқарилиши оқибатида бу олимлар тўғрисида жиндак танқидий мулоҳаза юритиш, улар билан баҳслашиш илм-фанга, сўз санъатига хиёнат қилишдир, деб ҳисобланарди. Ахир, айтайлик, ҳатто Л. Толстой, Ф. Достоевский ёки В. Белинский, ёхуд Н. Чернишевскийлар фаолияти, дунёқарашларидаги айрим чекланганликлар, баъзи нуқсонлар ҳақида бемалол гапиришарди-ю, бироқ ўша мунаққидларнинг адабий-танқидий мақолалари, китобларидаги етишмовчиликлар мутлақо тилга олинмасди-ку!

1985 йилнинг августида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири, таниқли ёзувчимиз Одил Ёқубов ўша йил октябрининг охирида ўтказиладиган ўзбек ёзувчилари тўққизинчи съезди муносабати билан ҳозирги адабий жараённинг ғоятда ўткир, чигал, долзарб муаммолари таҳлилига бағишланган битта мақола ёзиб беришни сўрадилар. Мақолада ёзувчиларимиз фаолияти ҳақидаги ҳақиқат юз хотир қилинмасдан ошкора айтилсин, ижод тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган иллатлар дадил, рўй-рост очиб ташлансин, деб қўшимча қилди у. Мен бу илтимосни бажонидил адо этишга киришдим ва мақолани тахминан йигирма кун ичида ёзиб топширдим, аммо у мўлжалланган вақтда эмас, балки қарийб олти ойдан кейин 1986 йил 25 апрелда босиб чиқарилди. Ҳа, мақола чоп этилди-ю, менга қувонч бағишламади, ўқувчиларда ҳам қизиқиш уйғотиб, кўпчиликнинг диққатини жалб этмади. Нима учун? Чунки, жиддий танқидий мулоҳазалар олиб ташланди. Буни қандай изоҳлаш керак?

Мақола «Ёзувчи, мунаққид ва китобхон» деб аталиб, у тўлалигича 1986 йилда «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Ўз дунёси, ўз қиёфаси» китобимга киритилди, унда ижодкор, танқидчи, китобхон муносабатларида юксак талабчанлик, ҳалоллик, адолат эмас, ҳамон офаринбозлик ҳукмронлик қилаётгани айтилиб, Ҳ. Абдусаматовнинг «Ҳаёт қўшиғи» китобидаги бир қанча ўринларда мадҳиябозликка кенг йўл очилгани танқид қилинди. Хусусан, Уйғуннинг «Олтин кўл», «Ҳаёт қўшиғи», «Она» драмаларида қаҳрамонлар тўқнашувлари ўта «силлиқлаштириб», «андавалаб» берилгани, бу асарлар «конфликтсизлик» назарияси таъсирида ёзилгани тўғри кўрсатилади, аммо айни чоқда танқидчи худди шу асарларни «драматургиямиз тараққиётига қўшилган муҳим ҳисса» деб асоссиз мақтайдики, мен бунга эътироз билдирдим. Бош муҳаррир «Фикрингиз тўғрию лекин танқидингиз Ҳ. Абдусаматовгагина эмас, балки Уйғунга ҳам қаттиқ тегади», деб туриб олди...

Тўғри, мен газета бош муҳаррири билан тўқнашувда «енгилганим»га қарамасдан китобимда мақолани тўлалигича чиқариб, ғалаба қозондим, бироқ бу ғалаба мени қувонтирмайди. Негаки, ундан газетхон бехабар қолди, китоб бор-йўғи тўрт минг нусхада босилгани учун унинг ўқувчилари кўп эмас. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, нашриётларда ҳам йўлини бир амаллаб топиб тасодифан ғолиб чиқиш, яъни баъзи амалдор ёзувчиларга қаттиқ «тегадиган» мулоҳазалар, ҳаққоний, лекин аччиқ фикрлар, ҳукм-хулосаларни китобхонга етказиш мумкин, аммо аксари ҳолларда худди шундай фикрлар, ҳукм-хулосаларни, ҳаёт ва замон руҳини, адабий жараён моҳиятини барча зиддиятлари, мураккабликлари билан ёритадиган фикрлар, ҳукм-хулосалар нашриётларда ҳам норасмий равишда «ман этилган»ди. 1968 йилда Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат», 20—30-йиллар ўзбек шеърияти намуналари жамланган «Тирик сатрлар» китоблари айрим катта «раҳбар»ларга ёқмай қолгани учун «тақиқланган»ини эслатишнинг ўзи кифоядир.

«Гениал» ёзувчи ва унинг «иттифоқчилари», «издошлари»ни кўз қорачиғидай ҳимоя қилувчи норасмий «буйруқ»лар, норасмий «қонун»лар жуда кўп талантсиз қаламкашларга чекланмаган имкониятлар яратиб берганлиги туфайли кейинги қарийб чорак аср мобайнида ҳаёт ва адабиётнинг кўп тармоқларида чуқур илдиз отди, ҳатто чинакам истеъдодли ёзувчиларга ҳам таъсирини ўтказди. Ахир фақат Одил Ёқубовгина эмас, балки бошқа муҳаррирлар ҳам танқидий мулоҳазаларин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гизга юз фоиз қўшиламиз, бироқ ҳозирча улардан бир оз четда турайлик, деб нуқул ўзларини муҳофаза қиладилар-ку! Фикримни бир мисол келтириб исботламоқчиман. «Ёшлик» журналининг 1986 йил 11-сонида менинг «Ёзаверган ёзувчи бўладими?» деган мақолам босилиб чиқди. Ўша мақоладаги М. Қориев ҳақидаги танқидий фикрларим журнал раҳбари О. Матжон, М. Мансуровлар хоҳишига кўра «кесиб» ташланган...

Вазият шуниси билан мураккаблаштириладики, Ҳ. Абдусаматов — санъатшунослик институтининг, М. Қориев — «Муштум» журналининг раҳбарлари, шунинг учун улар шаънига аччиқ гап айтмаслигимиз даркор, дейишмайди. Йўқ, биз ижодкорлар уларнинг мансабларига қараб эмас, балки асарларига кўра баҳолашимиз фарз ҳам қарздир, дейишади. Қандай йўл тутилади, денг? Айтишадики, «уларнинг кимлиги ҳаммага кўриниб турибди, нега энди яна сизда у етишмайди, бу етишмайди деб эътироз билдиришимиз шарт экан, барибир замон, вақт уларни ўз ўрнига қўйиб, асарларининг асл қадрини кўрсатиб беради-ку»...

Ҳа. Вақт, Даврнинг шундай ҳаққоний, шафқатсиз ИМТИҲОНИ борки, ундан ҳар қандай ижодкор ҳам муваффақият билан ўта олмайди, муваффақиятли ўтгани эса тарихда ўз ўрнини сақлаб қолади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бироқ Вақт, Даврнинг ўша Имтиҳони нарсанинг қадр-қимматини аниқлайди, сарани сарага, пучакни пучакка ажратади, ҳар қандай ноҳақликларни итқитиб ташлайди, деб қўл қовуштириб ўтиришимиз асло мумкин эмас. Негаки, кўпгина талантсиз ижодкорлар Вақт, Давр, Имтиҳонни рўкач қилиб, ўз ҳукмини ўтказади, чинакам истеъдодларнинг ҳар томонлама ўсиб-улғайишига, сўз санъати равнақига салбий таъсир кўрсатади.

Ўша даҳшатли иллатлар ҳатто бир қанча ҳолларда ўз «ўпқонига» айтайлик, Одил Ёқубов сингари Ўзбекистонимиздагина эмас, балки Бутуниттифоқ доирасида шуҳрат қозонган ижодкорни ҳам, «Гаплашаётган вақтлар» («Гаплашадиган вақтлар» — Ред.) деган шеърий қиссаси билан поэтик баркамоллик чўққисига кўтарилган Омон Матжонни ҳам «судраб» кетади. Аниқроғи, мен бу ерда «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» каби романлари билан Бутуниттифоқимиздагина эмас, балки бирқанча чет элларда, социалистик мамлакатларда эътироф этилган ёзувчи Одил Ёқубовни эмас, балки «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг бош муҳарририни, поэтик ижоднинг жанговарлик, курашчанлик руҳини тобора мустаҳкамлаб, кучайтириб бораётган Омон Матжонни эмас, «Ёшлик» журналининг муҳаррири Омон Матжонни назарда тутяпман. Қаранг: Одил Ёқубов ва Омон Матжон ўз асарларида ҳаёт ҳақиқатини барча зиддиятлари, мураккабликлари билан ёритиш зарурлигини яхши билишади ва шунга кўпинча амал қилгани туфайли халоллик билан шундай эътибору обрўга эга бўлишди, аммо муҳаррирлик вазифаларини бажараётган пайтларда негадир кўпроқ принципиал, ҳаққоний, айни пайтда аччиқ мулоҳазалар эмас, балки «силлиқ», беозор фикрларнинг тарафдори бўлиб чиққанини «ҳазм» қилолмайман. Борди-ю, фақат икки муҳаррир шундай йўл тутганида бу ҳақда сўз очиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Тўғри, бу нохуш вазият яхши томонга аста-секинлик билан бўлса-да, ўзгариб бораяпти. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёшлик»нинг 1987 йилдан бошлаб қарийб уч юз минг нусхада тарқатила бошлангани бежиз эмас. Негаки, улар гоҳида адабий жараёнда, кўпгина ижодкорларимиз фаолиятида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни ҳаққоний ёритадиган анча ўткир материаллар бермоқда. Айтайлик, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1987 йил 9 январь сонида «Икки фикр» рубрикаси остида берилган Сафо Очилнинг «Шеър масъулияти ва фикр равонлиги», Озод Шарафиддиновнинг «Бир тилда гаплашайлик» мақолалари шулар жумласидандир. Биринчи мақолада У. Азимов, Ш. Раҳмон, Қ. Саидмуродов каби истеъдодли ёш шоирларимизнинг ҳаёт муаммоларини зиддиятлари, мураккабликлари билан акс эттираётган жонли, жанговар шеърлари «вульгарлаштирилган» ҳолда талқин этилади, иккинчи мақолада мана шу талқинга асосли тарзда раддия берилади.

«Оқ»ни «оқ», «қора»ни «қора» деб айтиш, бор ҳақиқатни баралла овоз билан айтиб, билдирилган фикрлар, чиқарилган ҳукм-хулосаларни чуқур, ишонарли таҳлил орқали мустаҳкамлашга интилиш, афсуски, ҳали кенг миқёсда равнақ топиб, батамом ғалаба қозонолмаяпти. Айниқса, 1960—1980 йилларда ҳар хил эгри-тўғри, очиқ-яширин йўллардан бориб, жуда «зўр, атоқли» ижодкорлар, деб ном орттирган, асоссиз улуғвор унвонлар, мукофотларга сазовор бўлган «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ» қаламкашларнинг асл қиёфаси рўйи рост очиб ташланмаяпти, ижтимоий-маънавий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатаётган баркамол асарлар, умуман адабий жараён мавжуд зиддиятлари, «нур»лари-ю «соя»лари билан ҳаққоний ёритилмаяпти. Бунинг муҳим сабабларидан бири шундаки, бирқанча чинакам талантли мунаққидларимиз ҳам гоҳида ўзларига талабчанликни бир оз бўшаштириб, адабий-бадиий ҳодисалар моҳиятини чуқур, ҳаққоний таҳлил орқали кўрсатиш маҳоратини мунтазам ошириб, мустаҳкамлаб бориш устида етарли даражада қайғурмайдилар.

Ўзининг «Ҳақиқат ва бадиият қудрати» китобидан жой олган «Жасорат ва маҳорат» мақоласида Ботир Норбоев кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида М. Қўшжоновнинг «Ҳулкар» (Сайёр), «Одам қандай тобланди?» (И. Раҳим), О. Шарафиддиновнинг Э. Усмонов прозаси, Н. Худойбергановнинг «Япроқлар ва илдизлар» (Мирмуҳсин) асарлари таҳлилини моҳирона бажаргани, бироқ мана шу пешқадам танқидчилар адабий ҳаётимизда катта воқеа бўлиб, илмий-эстетик тараққиётга жиддий таъсир кўрсатадиган етук мақолалар, тадқиқотларни кам ёзаётганлигини алоҳида таъкидлайди, айни чоқда «бу икки устоз мунаққидда ҳам баъзан асосламасдан тезиснамо концепциялар айтиш, айрим ижобий-салбий тенденциялар ҳақидаги фикрларини маълум жойда тўхтатиб қўйиш хусусияти йўқ эмас. Норбой Худойберганов ишларида талабчанлик руҳи ва масалага танқидий қараш нисбатан кўп учраса-да, унинг айрим мақолалари негадир шошиброқ ёзилгандай таассурот қолдиради» *(232—233-бетлар)*.

Сезилиб турибдики, камчиликларимиз анча хаспўшланиб, анча «юмшоқ» берилган. Вақоланки, жиддий нуқсонларимиз мавжудки, бу ҳақда ёниб-куйиб баралла сўзлаш керак. Б. Норбоевнинг бу ҳақда бир оз «чўчиброқ», истиҳола қилиб гапирганининг боиси бор: гап шундаки, чинакам истеъдодли мунаққидларимиз орасида ўзаро танқидий муносабат, ўз-ўзини танқид ҳали тўғри йўлга қўйилган эмас. Бунинг мисоли тарзида О. Шарафиддиновнинг «Гўзаллик излаб» китобига киритилган «Иззатга муносиб отахон ижодкор», «Мунаққид сўзининг салмоғи» мақолаларини эслатиб ўтмоқчиман. Мазкур мақолалардан бирининг қаҳрамони — Иззат Султон, иккинчисиники — Матёқуб Қўшжонов.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар иккала мунаққид ўзбек адабиёти ва танқидчилигида ўзига хос муносиб ўрин эгаллайдики, бу ҳақда О. Шарафиддинов жуда ҳаққоний мулоҳазаларни изҳор этади: ««Иззат ака нима тўғрисида ёзмасин ва танқидчиликнинг қайси жанрида ёзмасин, ҳар хил масаланинг ўзак томонини марказга қўяди, давр учун, адабиёт учун муҳим бўлган проблемаларни қаламга олади ва уларнинг ижобий ҳал қилинишига йўл очиб беради» (192-бет).

Тўғри фикр! Лекин уни Матёқуб Қўшжонов ижодига ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин. Йўқ, фақат Матёқуб Қўшжонов ижодигагина эмас, балки барча чинакам талантли мунаққидларга тааллуқлидир, деб бемалол айта оламиз, аммо қайси бири қаламга олинган масаланинг ўзагини қандай кўради, қандай идрок этади ва ҳаққоний, чуқур илмий-эстетик таҳлил орқали очиб беради — ҳамма гап мана шунда.

О. Шарафиддинов Иззат Султоновнинг қайси тадқиқоти ёки мақоласида ўзига хос такрорланмас адабиётшуноснинг қиёфаси, услуби, эътиқоди, ҳаётга ва адабиётга муносабати қандай намоён бўлишига деярли тўхталмайди, кўпинча олимнинг фаолияти, асарларини шарҳлаш билан чекланади, қайси бир тадқиқот ёки мақола танқидчилик тарихида катта воқеа бўлгани, қайси бир бадиий ижод равнақига етарли таъсир кўрсатмагани ҳақида аниқ мулоҳаза юритмайди.

Матёқуб Қўшжонов фаолиятига бағишланган мақола ҳам худди шу йўсинда ёзилган. Ҳар иккала мақолада, такрорлайман, О. Шарафиддиновчасига айтилган ҳаққоний мулоҳазалар, яхши кузатишлар, реал ҳақиқатни кўрсатувчи ҳукм-хулосалар мавжуд. Шунга қарамасдан уларда фактлар, илмий материалларнинг конкрет таҳлили жуда кам. Оқибатда И. Султон, М. Қўшжонов қайси соҳада зўр муваффақиятларга эришди, қайси жабҳада ўз истеъдодларини ижод таҳлилига тўла сафарбар этолмади, деган муаммо ечилмасдан қолади. Лекин шу ерда: ахир О. Шарафиддинов икки забардаст олим ижодини таҳлил қилиб, уларнинг асл қиёфасини, ютуқларини, камчиликларини рўйи-рост кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, фақат «табриклаш» учун қўлга қалам олган, «табрик» эса чуқур таҳлилга, исботга муҳтож эмас-ку, дейишингиз мумкинки, мен бунга қўшиламан.

Ҳа, «табриклаш» учун ижодкор фаолиятини чуқур ёритиш шарт эмас. Айни чоқда табриклашнинг зарурлигини ҳам эътироф этамиз. Лекин бир марта, жуда ошиб кетса, икки карра табриклаш мумкин. Шунга кўра муборакбод этишнинг умри қисқа бўлади. Бинобарин, табрикномада илмий-эстетик ҳақиқат тўлалигича акс этмайди. Шундай бўлгач, у газета ва журнал саҳифасида бир неча кун яшаши мумкин, бироқ китобга киритилиб, тадқиқот тарзида тақдим этилмагани маъқулмикин, деб ўйлайман. Ваҳоланки, О. Шарафиддиновнинг М. Қўшжонов, И. Султоновга бағишланган «табрикномалари» «Гўзаллик излаб» китобига киритилган. Китобдаги «Болаларни қалбдан севиб...» «Қардошлик қўшиғи», «Ҳақиқатнинг мушкул йўллари», «Дунёда офтоб борки...» мақолаларида ҳам тантанаворлик кайфияти етакчилик қилади. Улардан бирида Фарҳод Мусажонов ижоди, иккинчисида И. Уксусовнинг «Мирзачўл» романи, учинчисида Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», тўртинчисида Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» киссалари хусусида сўз юритилади.

Шахсан ўзим Фарҳод Мусажоновнинг болалар адабиётида ўзига хос фойдали ишлар қилаётганини инкор этмайман, унинг ҳажвиячилик соҳасидаги изланишларини ҳурмат қиламан. И. Уксусов, А. Мухтор, Ў. Ҳошимовнинг ҳозир тилга олинган асарларидаги жуда тўғри, ҳаққоний мулоҳазалар ифодаланганига заррача шубҳаланмайман. «Бухоронинг жин кўчалари», «Дунёнинг ишлари» асарларида халқимизнинг донолигини, меҳнатсеварлиги, мардлиги-ю матонатини Файзулла Хўжаев, Она характери орқали бир қанча ҳолларда тўғри кўрсатилганига ишонч ҳосил қилганман, бу ҳақда ўзим ҳам илиқ фикрлар билдирганман. Бинобарин, мазкур асарлар ҳақида О. Шарафиддиновнинг бир қанча ижобий мулоҳазаларига қўшиламан. Менга шу жиҳати «ҳазм» бўлмаяптики, мунаққид ўша асарларни кўкларга кўтариб мақтайди, уларда бирорта жиддий, ҳатто жузъий нуқсон йўқ, дегандай мулоҳаза юритади. Негаки, «Бухоронинг жин кўчалари», «Мирзачўл», «Дунёнинг ишлари» тўғрисида сўз кетганда Озод Шарафиддинов ўзидаги юксак талабчанлик, ҳаққонийлик, адолатпарварлик принципларидан бир оз чекинади, ёзувчиларни фақат мақташ, «табриклаш» йўлидан боради, илмий-эстетик таҳлил эса иккинчи, учинчи планга тушиб қолади, ҳаққоний, чуқур таҳлилсиз, далилсиз айтилган мақтовларда мунаққиднинг асл қиёфаси, эътиқоди кўзга яққол ташланиб турмайди. Ҳолбуки, О. Шарафиддинов адолат туйғусини йўқотмасдан жуда жиддий мулоҳаза юритиб, илмий-эстетик ҳақиқатни юзага чиқарадиган забардаст, етук мунаққидларимиздан биридирки, буни «Гўзаллик излаб» тўпламидаги «Шеър кўп, аммо шоир-чи?», «Характер — бадиийлик мезони» каби ижобий маънодаги «шов-шув» қўзғаган мақолаларидагина эмас, балки Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романига бағишланган кўламли тақризида ҳам кўрамиз. Мунаққид ёзувчининг Намоз образида ўзбек меҳнаткашларининг зулмга, золимларга қарши курашини умуман тўғри талқин қилиб, кўп ҳолларда анча ишонарли тасвирлаганини қувониб, ғурурланиб сўзлайди, айни чоқда айрим нуқсонлардан кўз юммайди: «...Намоз характерини тасвирлаганда унинг ички дунёси, руҳий оламини чуқурроқ очишни тақозо қиладиган ўринлар бор эди. Афсуски, адиб ҳамма вақт ҳам бунга етарли эътибор қилмаган. Натижада баъзан Намоз керагича психологик теранлик касб этмай қолган. Баъзи ўринларда эса муаллиф воқеани қизиқарли қилиб тасвирлашга берилиб кетиб, унинг ишонарли ҳал бўлиши кераклигини унутиб қўйгандай бўлади. Масалан, Намознинг турмадан қочиши қизиқарли тасвирланган, лекин унча ишонарли чиқмаган...»

Шу таҳлитда баҳсга киришиб, мунаққид ёзувчи эришган ижобий натижаларни, йўл қўйган нуқсонларни жиддий таҳлил қилишга алоҳида эътибор беради. Тўғри, бу таҳлил ўрнини баъзан баёнчилик, асар мазмунини умумий йўсинда шарҳлаш эгаллайди, аммо унинг адолат туйғуси билан йўғрилгани аниқ сезилади.

Хуллас, О. Шарафиддинов «Қасоскорнинг олтин боши» романи таҳлилида ўз эътиқоди нуқтаи-назарига мувофиқ мулоҳаза юритадиган забардаст, матонатли мунаққид сифатида майдонга чиқади, унинг мақтов сўзлари, танқидий мулоҳазалари ишонч туғдиради. Негаки, у Х. Тўхтабоев асари ҳақида мулоҳаза юритганда чинакам мунаққид сифатидаги талабчанлигини сусайтирмайди, ўз мулоҳазалари, кузатишлари, ҳукм-хулосаларини адолат туйғусига йўғиришга астойдил интилади, ҳаққонийликдан келиб чиқади. Асқад Мухтор ёки Ўткир Ҳошимовнинг юқорида тилга олинган киссалари тўғрисида мулоҳаза юритганда эса баъзи ўринларда ҳис-ҳаяжон, эҳтиросга ортиқча эрк беради, илмий-эстетик таҳлил орқали асарни ҳаққоний баҳолаш, унинг асл моҳиятини юксак талаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чанлик билан ёритиш талабларига гоҳида риоя қилмай қўяди, ўзи сезмаган ҳолда «Бухоронинг жин кўчалари», «Дунёнинг ишлари»ни ошириб мақтайди.

Яхши асарларни аъло деб баҳолаш, баркамол ижод намуналарини бадиий кашфиёт деб кўкларга кўтариш тенденцияси, афсуски, анча кенг тарқалган. Бир қарашда бу тенденция беозор, ҳатто фойдали бўлиб кўринади. Ахир, яхшини ошириб айтиш ёмонни яширишга нисбатан ижобий ҳодиса-ку! Ҳа, нисбатан ижобий ҳодисадир, бироқ ошириб кўрсатиш барибир илмий-эстетик ҳақиқатни бор кўлами, салмоғи, салобати билан ифодалашга халақит беради. Тўғри, махсус тантаналарда, тўйларда, байрамларда фазилатлар ошириб-тошириб кўрсатилади ва бу қанчалик эриш туюлмасин, барибир қандайдир норасмий қонунга, заруратга айланган, аммо яратиш, кашф этиш жараёни тўй-тантаналар, байрамларни эмас, балки қаттиқ изланиш-интилишларни, кескин курашлар, тўқнашувларни қамраб олади. Табиийки, меҳнатда, курашлар, тўқнашувларда қўлга киритилган реал ютуқлар, салмоқли натижаларни қўллаб-қувватлаш, мақташ биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Қуруқ мақташ эмас, балки эҳтирос, ҳис-ҳаяжон билан қувониб сўзлаш даркордир. Гап эҳтирос, ҳис-ҳаяжонни сунъий тарзда мажбуран «жиловлаб» туриш ҳақида кетаётгани йўқ. Юракдан чиқариб самимий мадҳ этайлик, лекин мадҳимизнинг мустаҳкам асоси бўлсин, мақташ меъёрини бузиб юбормайлик, деган маънода мулоҳаза юритаяпмиз.

Бундай дейишга мажбур этаётган ўнлаб фактлардан лоақал биттасига эътиборингизни тортаман: «Қалб инқилоби» китобига Умарали Норматов ўзининг ҳозирги ўзбек ҳикоячилигидаги ўзгаришларни намоён қилишга қаратилган туркум мақолаларини киритган, мунаққид У. Назаровнинг «Акс-садо», Ш. Холмирзаевнинг «Оғир тош кўчса», Ў. Усмоновнинг «Бировга қолган кунинг», А. Мухторнинг «Илдизлар» каби асарлари ҳақида мулоҳаза юритиб, кичик прозамизнинг равнақига оид ҳаққоний, фойдали фикрларни ўртага ташлайди. Истеъдодли ҳикоянависларимиз зиёлилар, пахтакорлар, шаҳар ва қишлоқ аҳли ҳаётини мавжуд зиддиятлари билан тасвирлаётганини ўринли таъкидлайди. Мунаққиднинг яна бир фазилати шундаки, у бир қанча ҳолларда истеъдодли ижодкорларнинг яхши асарларини «қаҳҳорона» сезгирлик билан чин дилдан қўллаб-қувватлайди. Аммо бир қанча ҳолларда жуда кучли эҳтирос тўлқинларига «ғарқ» бўлиб, ўртача асарларни яхши, яхшиларини ўта зўр, ниҳоятда аъло, деб мақтов «пардаси»ни ҳаддан ташқари баланд кўтариб юборади. Айтайлик, юқорида тилга олинган А. Мухтор, У. Назаров. Ш. Холмирзаев билан яна бирқанча ҳикоянависларнинг қизиқарли ёзилган салмоқли асарларини «кичик мўъжизалар» (туркум мақолаларга худди шундай ном берилган) деб баҳолайдики, бунда мақташ меъёри бир оз бузилган. Шахсан ўзим Учқун Назаровнинг «Акс садо», Н. Қиличевнинг «Юган», «Юзма-юз» ҳикояларини яхши асар сифатида мақтаганман, ҳозир ҳам шу фикримни тасдиқлашга тайёрман, бироқ улар барибир бадиий мўъжиза эмас. Ахир Чехов ёки Абдулла Қаҳҳорнинг ўз ҳикояларини, масалан, «Ўғри», «Анор»ларнигина чинакам мўъжизага тенглаштириш мумкин. Асар бадиий кашфиёт даражасига кўтарилмаса, уни «мўъжиза» деб ҳисоблашга ҳеч қандай асос йўқ.

Умарали Норматов бадиий ижод «мўъжизалари» қандай мазмун ва салмоқ касб этишини жуда яхши билади, фақат улкан, такрорланмас истеъдод жасорати, матонати мевалари тарзида туғилган ҳар жиҳатдан етук асарлар кашфиёт даражасига кўтарилса, улар танқидчиларга чексиз қувонч бағишлашини чуқур англайди, ҳис қилади, сезади. Шунинг учун кўп ҳолларда адабиётимизнинг ҳозирги даврдаги тараққиётининг бош йўналишини бехато аниқлайди, бош йўналишга бориб қўшиладиган поэтик, насрий ҳамда драматик асарларни умуман олганда тўғри кўрсатади, бош йўналишдан четга чиқиб кетишларнинг ҳар хил кўринишларини рад этади. «Қалб инқилоби» китобида мунаққидга хос мана шундай фазилатлар яққол намоён бўлган. Унда истеъдодли ёзувчиларимизнинг баракали изланишлари, эришган самарали натижалари тўғрисида алоҳида фахр, ғурур туйғулари билан мулоҳаза юритилади, мавжуд камчиликларга қарши муросасиз кураш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Чунончи, «Изланишлар қандай кечаётир ва баҳоланаётир?» мақоласида Умарали Норматов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров сингари тажрибали насрнависларимиз, Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ сингари истеъдодли шоирларимиз миллий адабиётимиз анъаналарини ижодий ўзлаштириш билан бирга Бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсида равнақ топаётган бадиий изланишлар, тажрибалардан баҳраманд бўлаётганлиги ҳақида ҳаққоний мулоҳазаларни ўртага ташлайди, баъзи ёзувчилар, мунаққидлар ижодий изланишлар моҳиятини етарли англамасдан ё камситаётганини ёки ҳотамтойларча ўта юқори баҳолаётганини танқид қилади. Жумладан, Б. Имомов ҳаёт конфликтлари ҳар асарда «характерлар тўқнашуви» ёхуд «ички коллизия», яъни инсон руҳий дунёсида, ички оламида ўз-ўзи билан олишув, «тафтиш» қилиш шаклида рўй беради деган бирёқлама талабдан келиб чиқиб, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш» асарига нотўғри ёндошганини ишонарли кўрсатади. Шукуруллонинг ўз ижодида, адабиётимизда муносиб ўрин эгаллаган анча мазмунли, қизиқарли, аммо айрим камчиликлардан холи бўлмаган «Жавоҳирот сандиғи» асари бир қанча ижодкорлар, мунаққидлар, хусусан, О. Ёқубов, Б. Назаров, Ғ. Мўминов томонидан ажойиб янгиликдир, деб баҳоланишига асосли эътироз билдиради.

Хуллас, У. Норматов, О. Шарафиддинов сингари мунаққидлар етук ижодкорларимизнинг баркамол поэтик, эпик-насрий асарлари Бутуниттифоқ миқёсидагина эмас, балки бирқанча социалистик мамлакатларда эътибор қозонаётганини ҳаққоний гавдалантиради, бадиий ижоддаги юзакилик, схематизм, иллюстративлик, баёнчилик, дабдабабозлик каби иллатларга қарши курашяпти. Шундай экан, нима учун уларнинг баъзан тантанаворлик кайфиятига берилиб кетиб, айрим асарларни ошириб мақтагани, гоҳида исботсиз мулоҳазаларни ўртага ташлагани хусусида сўзладик? Ахир, бу икки забардаст мунаққидимиз М. Қўшжонов билан бирга қарийб йигирма-йигирма беш йилдан буён ўзбек танқидчилигини ўз елкаларида кўтариб келаётган катта устунлар сифатида ардоқланиб келаётганини ҳозирнинг ўзидаёқ тўлқинланиб эътироф этдик-ку?

Ҳа, қонуний равишда ардоқланиб келаяпти. Негаки, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов 1962 йилда босилиб чиққан «Ҳаёт ва маҳорат», «Замон, Қалб, Поэзия» китоблари, эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида, олтмишинчи йилларнинг бошида ёзган қатор етук, ҳаққоний принципиал мақолалари билан ўзбек танқидчилигини янги тараққиёт босқичига олиб чиқишда жасорат кўрсатди. У. Норматов эса ҳар иккала мунаққид тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, ўзбек танқидчилигида реалистик таҳлил ва талқиннинг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшди, икки устоз му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нақдига ҳамдарду ҳамкор бўлиб, улар билан ижодий мусобақага киришган ҳолда илмий-эстетик фаоллигини намоён қила бошлади.

Чорак асрдан буён ўзбек танқидчилиги «бешиги»ни тебратиб, унинг мустаҳкам «устунлари» вазифасини мардонавор адо этиб келаётган М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов ёки У. Норматов ижодининг жуда зўр, кучли ҳамда айрим бўш, заиф жиҳатлари илмий-эстетик теранлик билан тўғри ёритилаяптими?

Ҳали юқорида «Гўзаллик излаб» китоби адабий ҳаётимизда жиддий ҳодиса бўлганлиги, унда айрим камчиликлар мавжудлиги, хусусан, баъзан муаллиф тантанаворлик кайфиятига берилиб, айрим асарлар, ижодкорларни бироз ошириб мақтагани хусусида сўзладик, лекин мунаққид фазилатларини, эришган ютуқларини, йўл қўйган нуқсонларини батафсил кўрсатиш учун бунинг ўзи етарли эмас. «Гўзаллик излаб» О. Шарафиддиновнинг бошқа тадқиқотлари сингари батафсил теран таҳлилга муҳтождир. Ваҳоланки, худди шундай таҳлил амалга оширилмаяпти. Ҳатто чуқур, ҳаққоний таҳлил у ёқда турсин, китоб моҳиятининг бир-икки қиррасини ёритадиган тақризларни кам учратамиз. Айтайлик, «Гўзаллик излаб» 1985 йилда чоп этилди. Шундан кейин ўтган қарийб икки йил мобайнида «Гулистон» журналининг 1986 йилги декабрь сонида ёш мунаққид А. Улуғовнинг битта тақризи эълон қилинди, холос. Бу тақризда асосли мулоҳазалар бўлишига қарамасдан у танқидчининг мазкур китобда нималарга эришиб, нималарни бой берганини ишонарли ёритолмайди. М. Қўшжонов, У. Норматовнинг кучли, зўр ҳамда айрим заиф, бўш мақолалари, тақризлари, тадқиқотлари-чи? Улар ҳаққоний теран таҳлилга муҳтож эмасми? Тўғри, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов фаолияти тўғрисида йўл-йўлакай анча фикрлар, мулоҳазалар айтилади, уларнинг фазилатлари умумий йўсинда таърифлаб турилади, айрим жиддий нуқсонлар асло тилга олинмайди, баъзи «жузъий камчиликлар» қайд этилади.

Диққат қилинг: талантли танқидчиларнинг ижодий зафарлари, реал камчиликлари тўғри кўрсатилмаса, уларнинг моҳияти ёритилиб, бу ҳақда бор овоз билан баралла гапирилмаса, чинакам танқид, ўз-ўзини танқид кенг миқёсда тараққий эттирилиши асло мумкин эмас! Ҳатто айтиш керакки, бу борада даҳшатли қолоқликни келтириб чиқаради. Ахир, кўпчилик ижодкорларимиз, аксари китобхонларимизгина эмас, балки истеъдодли мунаққидларимиз ҳам ҳаққоний, лекин аччиқ танқидни «ерга уриш», «пачақлаб ташлаш», «камситиш» деб тушунганини қандай изоҳлаш керак?! Борди-ю, «ёзувчи муваффақиятсизликка учраган», «жиддий нуқсонларга йўл қўйган», «ҳаққоний образлар яратолмаган» деган фикрларни баён этсангиз, йўқ, бундай дейиш «ижодкорни таҳқирлаш», унга «қўполлик» қилиш, деб ҳисобланади, шунинг учун ўша иборалари «юмшатиб», муваффақиятсизликка юз тутгандай таассурот қолдиради, ижодий зафарга эришолмагандай туюлади, нуқсонлар учратаётганга ўхшайди, деб ўзгартиришадики, бу танқидчилик маданиятининг паст даражада эканлигини кўрсатмайдими?!.. Яна шуниси ғалатики, танқид — келажакнинг меваси, усиш ҳеч қандай ўсиш-ўзгариш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас, деб бонг уришадики, бироқ бирорта ижодкор, танқидчининг номини кўрсатиб, улар шаънига қаттиқроқ гап айтсангиз, танбеҳ берсангиз, бас, бамисоли чаён чаққандай ўрнидан «сапчиб» туриб кетишади, кетингиздан «болта» олиб югуришади, ўч олишга киришади...

Шахсан ўзим қарийб ўттиз йилдан бери танқидчилик билан шуғулланиб келаяпман, ўзимнинг қандай натижаларни қўлга киритганим тўғрисида жуда ғурурланиб мулоҳаза юритишга ҳеч қандай асос йўқ, бироқ шуни аниқ айтишим мумкинки, шу даврда, яъни ўттиз йил мобайнида бирорта истеъдодли ёзувчи, шоир ёки мунаққид: мана, Норбой, менинг китобим чиқди, уни ўқиб, ўзингизнинг рўйи рост фикрингизни баён қилинг, ёқса, ёққанини, ёқмаса, ёқмаганини билдириб, мулоҳазаларингизни, ҳукм-хулосаларингизни исботлаб беринг, деб мурожаат қилган эмас. Бундан якка-ю ягона истисно бор: гоҳида Одил Ёқубов янги ёзган асарининг қўлёзмасини бера туриб, ҳаққоний фикрларингизни билдиринг, яхши бўлса яхшилигини, ёмон бўлса, ёмонлигини айтинг дейди. Аммо Пиримқул Қодирову Абдулла Орипов, ёки Асқад Мухтору Эркин Воҳидовдан ёхуд Матёқуб Қўшжонову Озод Шарафиддиновдан бундай гапни эшитган эмасман, лекин адолат юзасидан шуни маълум қилишим шартки, Матёқуб Қўшжонов ўз ижоди ҳақида менинг «Танқидчи жасорати» (1985 йилда чоп этилган «Ҳақиқат ёғдулари» китобимга киритилган) мақоламда билдирилган жиддий танқидий мулоҳазаларни бироз оғриниб бўлса-да, қабул қилди...

Қаранг: ҳозир 60—80-йиллар ўзбек шеърияти, насри танқидчилигининг забардаст «устунлари» ҳақида сўзлаяпмиз. Улардан атиги икки нафари танқидга тўғри муносабатда бўлса-да, бошқалари ўзлари ҳақида билдирилган танқидий мулоҳазаларга ўгайлик билан қараса, буни асло қаноатланарли, деб айтолмаймиз-ку?! Тўғри, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ёки Озод Шарафиддинов ёхуд Пиримқул Қодиров ўзларини танқид қилган мунаққидлар кетидан «болта» олиб югурган, даҳшатли «шов-шув» кўтарган эмас. Негаки, улар пировард-натижада ҳаққоний танқид наф келтиришини тушуниб олаётир, аччиқ ҳақиқатни барибир «ҳазм» қилишади. Гап асосли, тўғри танқид ҳақида кетаяпти. Ахир, баъзан ҳеч қандай исботсиз Озод Шарафиддинов адабиётимиз ютуқларини менсимаяпти, ерга ураяпти, деган танбеҳлар айтиладики, буни асосли танқид деб этироф этиш асло мумкин эмас-ку! Ёки тарих фанлари доктори М. Ваҳобов ўзининг «Тарихий ҳақиқатга зид» («Правда Востока», 1986 йил 4 декабрь) мақоласида ўтмишга бағишланган бадиий асарларда тарихий ҳақиқат бадиий ҳақиқатга айлантирилиши зарур, деб тўғри талабни ўртага ташлайди-ю, бироқ ҳеч қандай далилсиз Пиримқул Қодиров «Юлдузли тунлар» романида леninча партиявийлик, синфийлик принципларига мувофиқ иш кўрмаган деб даъво қиладики, бундай ноҳақ, сўз санъати қонунларидан келиб чиқмаган танқидни назарда тутаётганимиз йўқ.

Тўғри, аслида туҳматга айланган бундай ноҳақ танқидга қарши тиш-тирноғимиз билан кескин курашиб, уни шафқатсиз фош қилишга, айни чоқда чинакам истеъдод соҳибларининг ўзаро муносабатларида, умуман, ижодий жараёнда, адабий ҳаётда ҳалол, тўғри, теран танқид, ўз-ўзини танқид оддий таомилга айлантирилиб, реал зафарларимизни ҳам, мағлубиятларимизни ҳам ошкора кўрсатиб, уларнинг моҳиятини тўлақонли илмий-эстетик таҳлил орқали ёритишга аста-секин киришаяпмиз. Бу вазифани бажаришга бутун кучларимиз, имкониятларимизни сафарбар қилишга айрим нохушликлар халақит бераяпти. Битта нохушлик шундай иборатки, ҳар йили ўнлаб бўш насрий, драматик асарлар, юзлаб ғўр шеърлар босилиб туради-ю, лекин уларнинг деярли барчаси кескин, ҳаққоний, принципиал танқидга учрамайди. Ахир, кейинги ўттиз йил мобайнида

www.ziyouz.com kutubxonasi

И. Раҳимнинг «Одам қандай тобланди», Сайёрнинг «Ҳулкар» каби насрий асарлари, бир неча шеърларгина яроқсиз асарлар тарзида фош этилди, холос! Бунга қўшимча қилиб, Ж. Абдуллахонов, М. Қориевнинг баъзи қиссалари, романлари реалистик ижод талабларига жавоб бермаганлиги очиб ташлаганини айтиш мумкин. Ҳ. Ғулом, Р. Бобожон, Э. Охунованинг айрим поэтик ҳамда насрий асарлари хусусида танқидий мулоҳазалар изҳор этилди. Яна қандай хашаки қиссалар, юзаки романлар, мазмунсиз поэтик асарлар, ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш пьесаларнинг асл моҳияти ишонарли таҳлилдан ўтказилди?

Афсуски, бу саволга баралла жавоб қайтариб, ҳа, ўнлаб ғўр асарларнинг шаклан «чиройли», бироқ мазмунан саёз, юзаки эканлиги теран илмий-эстетик таҳлил орқали кўрсатилди, деб айтолмаймиз. Бадиий ижоддаги мазмунсизлик, саёзлик, дабдабабозлик фош этилган мақолалар, тақризлар беш-олти йилда бор-йўғи бир-икки марта кўриниб қолади, холос. Ахир, катта «шов-шув» қўзғаган М. Қўшжоновнинг И. Раҳимга «Очиқ хати» (1976), О. Шарафиддиновнинг «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси» (1979) мақоласи босилиб чиққандан бери қарийб ўн йил вақт ўтди-ку, аммо фақат ижодкорларнинггина эмас кўп сонли ўқувчилар оммасининг диққатини ўзига тортадиган ўшандай ўткир, ҳаққоний, принципиал адабий-танқидий мулоқот ижоднинг оддий қонунига айлантирилмади-ку!

О. Шарафиддинов, У. Норматовнинг баъзи мақолалари, тақризларида тантанаворлик кайфияти ҳукмронлик қилиб, илмий-эстетик ҳақиқатнинг юзага чиқишига халақит берганини айтганимиз ҳар иккала танқидчига, уларнинг мухлисларига қаттиқ ботиши мумкин, лекин бошқача йўлдан боришимиз асло мумкин эмас. М. Қўшжонов билан ёнма-ён туриб, адабий жараёнга сезиларли таъсир кўрсатиб, ўзбек танқидчилигининг бақувват «устунларига» айланган бу мунаққидларда ҳали етарли даражада фойдаланилмаётган кучлар, имкониятлар кўп. Уларнинг энг яхши мақолаларини ўқиб, шундай ўйга толамиз: ахир М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов литвалик А. Бучис, қозонлик Р. Мустафин, озарбайжонлик Элчин, молдавиялик М. Чимпой, москвалик Е. Сидоров, И. Золотоусский сингари Бутуниттифоқ миқёсида фаоллик кўрсатаётган мунаққидлар билан ижодий мусобақага киришишга қодир-ку, нега ўзбек мунаққидлари Москва адабий-бадиий журналлари, газеталарига баркамол мақолалари, тақризлари билан қатнашмайди?..

Тўғри, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов бундан беш-олти йил муқаддам «Литературная газета», «Дружба народов»да баъзан ўзбек адабиётининг айрим намуналарини Бутуниттифоқ адабиётида рўй бераётган ўзгаришлар «кўзгу»сига солиб кўрсатишга интилардилар, истеъдодли адибларимиз эришган ютуқлар, йўл қўйган камчиликлар ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашардилар, лекин ҳали юқорида тилга олган мунаққидлардек марказий матбуот саҳифаларида олиб бориладиган адабий мулоқотлар, баҳсларда мунтазам қатнашмаяптилар, ҳозирда ҳам бу ҳолатга кескин ўзгариш киритилган эмас. Аксинча, пешқадам мунаққидларимиз, зўр ижодкорларимиз «Литературная газета» ё «Дружба народов», «Литературное обозрение» ёки «Вопросы литературы» саҳифаларида жуда кам кўринади. Фақат П. Шермуҳамедов кейинги икки-уч йил ичида бироз фаоллашди, бошқа мунаққидларимиздаги бу борадаги изланишу интилишлар бизни мутлақо қаноатлантирмайди... «Вопросы литературы» журналининг 1986 йилги 9-сонида «Фан» нашриётида чоп этилган ўзбек мунаққидларининг ҳозирги адабий жараён муаммолари таҳлилига бағишланган китоби, «Дружба народов» журналининг 1986 йилги 2-сонида Асқад Мухторнинг афғон халқларининг янги ҳаёт учун курашини акс эттирувчи романи ҳақидаги мулоҳазаларини ўртага ташлади... Бошқа пешқадам мунаққидларимизнинг марказий матбуот билан ҳамкорлиги тобора сусайиб кетмоқда.

Мана шундай сусткашликка барҳам бермасдан, ҳозирги ўзбек танқидчилигининг забардаст яратувчиларидаги ижодий фаолликни янада юксак савияга кўтариб, уларнинг фақат республикамиздагина эмас, балки Бутуниттифоқ миқёсида эътибор қозонадиган адабий-бадиий асарлар яратишни таъминламасдан илмий-эстетик ижодда кескин бурилиш ясаш асло мумкин эмас. Бу борадаги кескин бурилишни эса биринчи галда М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов сингари етакчи мунаққидларимиз билан бирга уларнинг истеъдодли ёш ҳамкасблари амалга ошириши керак. Бинобарин, улар фаолиятидаги жуда кучли жиҳатлар, қўлга киритилган ютуқлар билан бирга айрим заифликлар, камчиликлар тўғрисида баралла гапириб, ижобий натижаларнинг, мураккаб муаммоларнинг, мавжуд қийинчиликларнинг, баъзи етишмовчиликларнинг моҳиятини чуқур ёритиш талаб қилинади. Лекин истеъдодсиз мунаққидларнинг ўта зарарли маҳсулоти-чи? Адабий жараённи чуқур ёритмайдиган «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ» мақолалар, тақризлар-чи? Бўш асарлар билан уларнинг ҳаққоний илмий-эстетик таҳлилдан ўтказмасдан улар ҳақида умумий мулоҳаза юритиб, ҳеч қандай асоссиз «буюк танқидчи» деб ном олган баъзи юксак унвонли қаламкашлар-чи?..

Ўзбек танқидчилигининг барқ уриб равнақ топишига тўғаноқ бўлаётган, қолоқликни келтириб чиқараётган бундай иллатларни туб-томири билан йўқотишга қаратилган курашни изчил давом эттириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Буни чуқурроқ идрок этиш учун қуйидаги ҳолатга разм солинг: М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов ёки Б. Норбоев, И. Ҳаққулов, А. Аъзам сингари адабий танқидчилигимизнинг заҳматкашлари томонидан яратилган бақувват илмий-эстетик асарларнигина эмас, ҳатто айрим ўртамиёна мақолалар, бўшроқ тақризларни «ҳазм» қилиш, уларда ўртага ташланган ҳар хил фикрлар билан баҳсга киришиш мумкин, аммо асло тоқат қилиб бўлмайдиган нуқсонлар, ошкора брак, халтура борки, улар, афсуски, ҳали кескин зарбага учрамаяпти. Ҳолбуки, мамлакатимизда кенг қулоч ёздирилаётган қайта қуриш жараёнида бадиий ижодга, танқидчиликка бевосита алоқадар бўлиб, «номи улуғ», супраси қуруқ» мунаққидларни, газета-журналларимизда кўп эълон қилинаётган шаклан «тирик», мазмунан «ўлик» мақолалар, ночор тақризларни ҳаққоний таҳлил орқали реал исботлари билан ошкора фош этилмаса, бу борада салмоқли зафарларга эришиш, чинакам истеъдодларнинг юксак парвозларини таъминлаш, ленинча инқилобий ўзгариш ясаш асло мумкин эмас. Энди навбат мана шундай «маҳсулот»лар таҳлилига етиб келди.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОЛАМИ

(«Оқбура тўлқинлари» китобини ўқиб)

Биласизки, анчадан бери, ўзбек болалари шеъриятида насиҳатбозлик, бўлар-бўлмас ўгит, сўз ва қофияга зўр бериш, қиссадан ҳисса чиқариш кучли. Бу қусур катта авлод вакилларида ҳам, ёшлар ижодида ҳам мавжуд.

Ахир бола кўнглида, дилида пинҳон ётган мўъжиза оҳанглар, беғубор хотиралар бир талай. Ана ўша ҳисни уйғотадиган сўз топилса, бола яйраб кетади. Дилидаги булоқ кўзи очилиб, қиқирлаб кулади.

Яхши шеър болаларнинг кўнгил қўшиғига айланади. Турсунбой Адашбоев айнан ана шунга интилади.

Болаликда ёдланган, хотирада қолган шеър бир умр эсдан чиқмайди. Чунки унда ўз завқи ифодаланган.

Ўзбек болалар шеъриятида беғубор кулгу танқис. Беғубор дейишимнинг сабаби, кўп шеърларда «қитмир»лик билан, масал шаклида, топишмоқ шаклида ўраб бериладиган «кулги»лар ҳам йўқ эмас. Болалар ёрқин табассумли кулгини ёқтиради.

Бу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, Турсунбой Адашбоев шеърларида ҳам юмор, ҳам гўзал табиатга мафтун қилиш, ҳам бола бўлиб оламни кўриш бор. Энг муҳими, у шеъриятимизга болаларнинг беғубор ўйларини, кузатишларини, завқу шавқларини олиб кирди.

Кичкинтойлар Турсунбой шеърларини эркаланиб, янгиланиб мутолаа қиладилар. Унинг «Оқбура тўлқинлари» тўплами бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тўплам безагидан тортиб, саралланган шеърларгача маъқул тушди. Очиғи, мен шу ўринда навларга ажратишдан, саноқдан қочмоқчиман, бор гапимни, кузатганимни, йўл-йўлакай айтиб ўтмоқчиман. Балки бу ҳам саралашга кирар.

Мана «Шанбалик» шеъри. Бу мавзуда ёзмаган шоир кам. Аммо дўстимиз қўлига қалам олганда болаларнинг дилига қулоқ тутади. Шанбалик баҳона уларнинг дунёсига кириб боради. Китобхон шоир тасвирига берилиб кетади. Қўшилиб меҳнат қилганини ўзи ҳам сезмай қолади, фахрланади:

Чўққиларга илинди
Оқ булутлар туғ бўлиб.
Ерга сиғмай қор, суви,
Кўкка ўрлар буғ бўлиб.
Мусичага манзил-макон,
Таниш бўғот, пешхари.
Бобом тортар ўқариқ,
Бар урилган пешлари.
Момомнинг фикри-зикри
Жаг-жағу, исмалоқда.
Шанбалик қилиб кеча
Синфимиз чиқди боққа.
Дов-дарахтни боғбонлар,
Соч-соқолин олишди,
Биз оқлаган дарахтлар,
Оппоқ пайпоқ кийишди.
Раис бобо шод бўлиб,
Қўлимизни қисдилар:
— Бу шанбалик тинчликка,
Сизлар қўшган ҳиссадир.

Бу ердаги образлилик ҳақида сўз ортиқча. Энг муҳими аҳиллик, уюшқоқлик, манзара, шеърий хулоса бирорта ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Турсунбой ижодида ҳазил-мутойиба, кулгуга мойил шеърлар билан бир қаторда табиатни жонлантирувчи, унга мафтунлик уйғотувчи, бефарқликни қораловчи намуналар ҳам бир талай.

Биз табиатни асрайлик, деб тинимсиз бонг урамиз. Аммо буни болаларга қандай тушунтириш, уларнинг онгини қандай уйғотиш керак? Турсунбой бунинг йўлини топади.

Шоир «Арқитда» шеърида шу ном билан аталган жойнинг манзарасини, жуғрофий тузилишини таърифлаб, болалар диққатини ўзига тортади. Завқланиб турганингизда бирдан бу ҳис лат ейди.

Турсунбой шеърни мана бундай якунлайди.

Бир бедаво шу маҳал,
Какликларга ўқ отди.
Ваҳший садо тинчликка —
Барҳам берди, йўқотди.
Шошиб-пишиб ўлжасин
Патин юлар ютақиб.
Тоғу-тошлар асабий
Арча ёнар тутақиб...

Кичкинтойгина эмас, каттанинг ҳам эти жунжикиб кетади. Юракда аллақандай нафрат уйғонади.

Бу шеърда ички бир исён бор. Бу исён болалар юрагини безовталантиради. Ҳушёрликка, бедорликка чақиради. Шоир бу ниятнинг уддасидан чиққан.

Болалар қалбидаги мудроқликни уйғотиш шоирнинг бош нияти.

Турсунбойнинг табиат туркумидаги шеърларидан яна бири «Қишлоғимни соғиниб» деб аталади. Шеърда айтмоқчи бўлган гап бошида жўнгина кўринади. Бола қишлоқдан бир даста бойчечак олиб келиб экади. Табиий, бола шаҳарлик. «Эрта-ю кеч парвона» бўлади. Аммо бойчечак сўлиб қолади.

Худди ана шу ерда шоирнинг айтмоқчи бўлган дил туғёни кўринади.

Хайриятки, бойчечак
Енгиб довулни, қорни,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ДУРДОНА
Алишер Навоий. Ғазаллар 3
НАСР
Раҳбарой Файзибоева. Учрашув. Ҳикоя 20
Зоҳир Аълам. Афандининг қирқ бир пашшаси. Қисса 26
Ҳулкар Тўйманова. Бегона. Ҳикоя 72
Чўлпон. Кеча ва кундуз. Роман 79
ШЕЪРИЯТ
Муҳтарама Улуғова. Тонгда уйғон мунаввар бўлиб 22
Умид Абдуазимова. Мен сени шу қадар ёниб севаман 68
Дилором Исҳоқова. Сиздан сўраганим бир ҳовуч меҳр 70
Анна Ахматова. Марсия. Туркум 75
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ
Анора Пардабоева. Юрак, шундай бир майдон бор.... 143
МУШОИРА
Шивирлаб йўлингга чиқар чечаклар. **Марзия Эрдонова, Момохол Элмуродова, Ҳанифа Солиҳова, Венера Иброҳимова, Маърифат Ғаниева, Зулфия Бобоева.** . . 145
ҲАМЗАХОНЛИК
Саидбек Ҳасанов, Раҳима Шарафуддинова. Оловли йиллар шаҳодати 149
ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР
Дадахон Нурий. Бўстонлиқни қутқаринг! 6
БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ
Ибройим Юсупов. Булбул уяси. Достон 152
ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ
Ҳалима Худойбердиева, Набижон Боқиев. Оқибат деворлари 160
САНЪАТ
Жамила Сайдалиева. Ранглардаги дилрабо қўшиқ 168
АДАБИЙ ТАНҚИД
Раҳмон Қўчқоров. Қўш роман ва айрича қарашлар 170
ТАНҚИДНИ ТАНҚИД
Норбой Худойберганов. Ҳаммаси таҳлилда кўринади 180
ТАҚРИЗ
Сафар Барноев. Болаликнинг беғубор олами 193
САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА
Файзулла Қиличев. Икки ҳикоя 195
ГУЛҚАЙЧИ
Исмоил Оллоберганов. Хатобойнинг саргузаштлари. Қисса 201
Муҳаммад Ражаб Имомов. Рўмол ҳақида ким қандай ёзарди? 206

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 3
Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ғ. Алимов.** Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсияга кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 13.01.88 й. Босишга рухсат этилди 19.02.88 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-08549. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 170132. Буюртма 2522.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41

www.ziyouz.com kutubxonasi